

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

ЛОЛАЕВА ГУЛНИСО ГЕЛДИЁРОВА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРИНИНГ
ЯСАЛИШИДА ЗООНИМИК КОМПОНЕНТЛАРИНИНГ РОЛИ**

Мутахассислик: 5А – 120102

Лингвистика (инглиз тили)

Филология магистри даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга тавсия этилди
Кафедра мудирини Маджидова Р.У

Илмий раҳбар:
Ф.ф.н. доцент
Ҳақимова Г.Э

“___” _____ 2013 й

Тошкент – 2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I. БОБ. ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ СТРУКТУРАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ	
1.1 Турли тилларда фразеологик бирликларнинг таҳлил қилиниши	8
1.2 Фразеологик бирликларнинг грамматик таркиби. Сўз туркумлари асосида таҳлили.....	19
1.3 Фразеологик бирликларнинг компонентлари таркибининг таҳлили ва уларнинг структуравий моделлари	26
I боб юзасидан қисқа хулосалар	35
II. БОБ. ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ	
2.1 Фразеологик бирликларнинг когнитив аспекти.....	38
2.2 Фразеологик бирликлар семантик структурасининг компонент таҳлили	42
2.3 Фразеологик бирликлар умумий маъноларининг ҳосил бўлишида зоонимларнинг роли	55
II боб юзасидан қисқа хулосалар	66
III. БОБ. ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЎЗARO ПАРАДИГМАТИК АЛОҚАЛАРИ ТАҲЛИЛИ	
3.1 Фразеологик бирликларда полисемия ҳодисаси	69
3.2 Фразеологик бирликларнинг синонимик қаторлари.....	73
3.3 Фразеологик бирликларда антонимик қаторлар таснифи	84
III боб юзасидан қисқа хулосалар.....	90
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	93
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	100

КИРИШ

Мустақил республикамизнинг жаҳон майдонида обрўси ошиб, ташқи алоқалар, маданий ва иқтисодий муносабатлар ривожланиб бораётган бир даврда хорижий тилларни ўрганиш бу тилларда оғзаки ва ёзма мулоқотни ҳамда эркин фикр алмашиш кўникмаларини ҳосил қилишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ижтимоий тараққиётнинг миллий модели ҳақида гапириб: "...билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда ғайрат-шижоатли шахсларни, ўз мамлакатининг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мероси билан бойита оладиган, жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиши мумкинлигини ёддан чиқармаслик лозим" деб таъкидлаган [Каримов 1995.:260]. "Таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айти пайтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад-озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди." [Каримов 2012. ПҚ 1875 сон қарори]. Бу борада «юксак, умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ишлаб чиқилди [Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 1997.:35]. Ушбу дастурнинг амалга ошишида фаннинг аҳамияти шубҳасиз катта.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Мазкур илмий тадқиқотда ҳозирги даврда ривожланиб келаётган когнитив тилшунослик, тил ва маданият ҳамда тил ва тафаккур билан боғлиқ бўлган этнолингвистика ва антропологистика соҳаларидаги илмий йўналишларга ҳам эътибор берилди. Чунки тилдаги

фразеологик бирликлар ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одатлари, психологияси, турмуш тарзи, менталитети кабилар билан боғлиқдир. «Тилнинг фразеологик фонди халқнинг маданияти ва менталитети ҳақидаги энг қимматли манбадир, унда халқнинг афсоналари, урф-одатлари, маросимлари, байрамлари, одоб-ахлоқи ва ҳоказолар мужассамлашган»-деб ёзади В.А.Маслова [Маслова 2004.:43] [Фразеологик бирлик бундан кейин қисқача ФБ тарзида берилади].

ФБлар образлиликни, экспрессивлик ва эмоционалликни юзага келтирувчи муҳим воситалар бўлиб, улар бадиий публицистик матнларнинг ифодавий таъсирчанлигини оширишга хизмат килади. ФБлар ихчам, маъно жиҳатидан салмоқдор ва таъсирчан бирликлар сифатида давр руҳига мос келади. Ҳозирги юртимизда мустақиллик тантана қилган ва миллий қадриятимизнинг тикланиш даврида халқимиз тилни, айниқса давлат тили мақомига эга бўлган ўзбек тилини, шунингдек, чет тилларини, жумладан, инглиз тилини чуқур билиши ва бу тилларда ихчам, образли ва таъсирчан шаклда ўз фикрини ифодалашни ўрганиши лозим.

Бу эса, ўз навбатида, фразеологияга доир тадқиқотларнинг ҳозирги вақтда долзарб ва муҳимлигини яна бир қарра исботлайди. Жамиятдаги муносабатларни, ҳодиса ва ҳолатларни соддароқ, ойдинроқ ва образлироқ ифодалаш мақсадида фразеологик бирликлардан табиатдаги ўз хусусиятлари билан шунга мос келадиган турли нарсалар, жумладан, ҳайвонлар образидан усталик билан фойдаланилган. Биз таркибида ҳайвон номи бўлган ФБларни зоонимик компонентли фразеологик бирликлар деб атадик [“зоонимик компонентли фразеологик бирлик” бундан кейин қисқача ЗКФБ тарзида берилади]. Биз ўз ишимизда «зоонимик фразеологизм», «зоонимик ибора», «зоонимик компонентли ибора» каби терминларни ҳам қўлладик. Улар ўзаро синонимлардир. Инглиз тилидаги ЗКФБлар кам ўрганилган соҳа бўлиб, уларнинг семантик ва структуравий хусусиятлари инглиз тилида деярли ўрганилмаган. ЗКФБларни ўрганиш, шунингдек, зоонимнинг инсон ҳаётида қандай ўрин тутишини аниқлашга имкон беради. Бундан ташқари, ФБлар

кўплаб тадқиқотчилар томонидан қанчалик ўрганилган бўлишига қарамасдан, масалага чуқурроқ ёндошиш уларнинг янада янги қирраларини очишга имкон беради. Инглиз тили фразеологизмлари кенг қамровли бўлиб, уларни турли хил нуқтаи назардан таҳлил этиш мумкин. Шу маънода, машҳур тилшунос Фердинанд де Соссюрнинг “Бутун тил механизми фақат ўхшашликлар ва тафовутлар атрофида айланади”,-деган фикри ғоят ўринлидир [Соссюр 1977.:144]. Маълумки, тилнинг фразеологик фонди ҳам маълум бир системани ташкил этиб, унинг ҳамма қисмлари ҳақида қанчалик чуқур билимга эга бўлинса, бу фразеология назариясининг ривожига қўшилган ҳисса бўлади ва бу назариядаги баъзи бир муаммоли масалаларни ҳал қилишга асос бўлади. Юқорида қайд этилган фикрлар тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ишнинг мақсади инглиз тилидаги ЗКФБларни структуравий ва семантик жиҳатдан ўрганиш, шунингдек, ФБлар таркибидаги зоонимик компонентларни семантик ва стилистик жиҳатдан таҳлил қилиш ва улар орасидаги полисемия, синонимия, антонимия каби алоқаларни таснифлашдан иборат бўлиб, у қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- Зоонимик лексика ва уни ўрганиш масалаларини ҳамда ФБлар таркибида зоонимларнинг хизматини белгилаш;

- ЗКФБларни грамматик, структуравий ҳамда компонентлари таркиби жиҳатидан таҳлил қилиш;

- ЗКФБларни семантик таҳлил қилиш, яъни ФБларнинг умумий маънолари ҳосил бўлишида зоонимларнинг аҳамиятини белгилаш;

- ЗКФБларни турли хил семантик гуруҳларга ажратиш ва уларнинг хусусиятини микрогуруҳлар орқали кўрсатиш;

-ЗКФБларнинг орасида полисемия, синонимия ва антонимия алоқалари мавжудлигини исботлаш ва уларни бадиий адабиётлардан олинган мисоллар ёрдамида тавсифлаб бериш.

Ўзбек тилидаги ЗКФБларни илмий ўрганиш ишнинг вазифасига кирмайди. Лекин биз бу масалага ҳам эътибор бериб, инглиз тилидаги ЗКФБларнинг ўзбек тилида берилиши ҳақида ўз фикримизни айтишга ҳаракат қилдик.

Тадқиқот методи. Тадқиқот жараёнида тўпланган ЗКФБларни семантик гуруҳларга ажратишда, уларни таҳлил этишда тавсифлаш ва компонент таҳлил методларидан; инглиз тилидаги ЗКФБларни ўзбекча муқобилини топишда қиёсий-типологик методлардан; ЗКФБларни миқдорий тақсимлашда статистик методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг методологик асоси. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг назарий асарлари, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳақида»ги қонунлари ва бошқалар бошқарув ҳамда меъёрий ҳужжатлар, ҳамда фан, таълим-тарбия ва маданият соҳасидаги стратегик йўналишларга доир қарорлар тадқиқотнинг илмий методологик асосини ташкил этади. Кўплаб тилшуносларнинг тадқиқотларини ўрганиш диссертацияни тайёрлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этди. Булар жумласига А.В.Кунин, В.В.Виноградов, Н.Амосова, А.А. Абдуазизов, М. И. Расулова, Ш. Сафаров, Ў.Қ. Юсупов, М.Э.Умархўжаев, Т. Т. Икромов ва бошқаларнинг тадқиқотлари киради.

Тадқиқотнинг объекти. Инглиз тилидаги зоонимик компонентли фразеологик бирликлар.

Тадқиқотнинг предмети. ЗКФБларнинг морфологик, семантик-структуравий таҳлили, когнитив тавсифи, уларнинг ўзаро парадигматик алоқалари.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти. ЗКФБлар таҳлили натижалари лингвокультурология, когнитив лингвистика, антрополингвистика, лингвопрагматика, шунингдек, фразеология назарияларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тўпланган материаллардан ва

уларнинг таҳлилидан бадий таржима жараёнида, шунингдек, инглиз тили лексикологияси курси бўйича маърузалар ўқишда ва амалий машғулотлар ўтказишда, ҳамда луғатлар тузишда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, мазкур таҳлил натижаларига асосланиб, бошқа лексик-семантик гуруҳдаги сўзлар, ибораларни ҳамда ФБларни функционалва семантик жиҳатдан ўрганиш мумкин.

Тадқиқотнинг тузилиши ва мазмуни. Диссертация кириш, уч бобдан ташкил топган асосий қисм, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 111 бетни ташкил этади.

Диссертациянинг **Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг методи, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти ҳамда диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар бериб ўтилган.

Диссертациянинг **биринчи боби** ЗКФБларнинг структуравий хусусиятларига бағишланган. Ушбу бобда ЗКФБларнинг грамматик таркиби, компонентларининг сўз туркумлари бўйича турлари, уларнинг морфологик ва синтактик жиҳатлари аниқланди ва структуравий моделлари тасниф қилинди.

Диссертациянинг **иккинчи бобида** ЗКФБларнинг семантик таҳлили кўриб чиқилди. Ушбу бобда ЗКФБларнинг когнитив аспекти, зоонимлар лексик парадигмаси элементлари ўртасидаги семантик муносабатлар, зоонимлар ва ЗКФБлар семантик структурасининг компонент таҳлили, ЗКФБлар умумий маъноларининг ҳосил бўлишида зоонимларнинг роли ҳамда ЗКФБларнинг семантик гуруҳланиши каби масалалар ўрганилди.

Тадқиқотнинг **учинчи боби** ЗКФБларнинг парадигматик алоқаларига бағишланган. Ушбу бобда ЗКФБлардаги полисемия ҳодисаси, синонимик муносабатлар ҳамда синонимик ва антонимик қаторлар тасниф қилинади. Биттадан ортиқ маънони англата олиш фразеологик ибораларнинг кўплаб қисмида учрайди. Инглиз тилидаги кўплаб фразеологик birlikлар кўп маъноли, яъни полисемантик ҳисобланади.

I. ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ СТРУКТУРАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Турли тилларда фразеологик бирликларнинг таҳлил қилиниши

ФБлар тил эгаси бўлган халқнинг маънавий маданияти, урф-одати, касби, яшаш тарзи, ўтмиши, интилиши, воқеликка муносабати билан узвий боғлиқдир. Жаҳон тилшунослигида ФБларни ўрганиш бўйича катта ишлар амалга оширилган. ФБлар келиб чиқиши жиҳатидан жуда қадимий бўлса-да, фразеология фани тарихи қарийб икки асрни ўз ичига олади [Щерба 1968.:35-36]. Фразеология назариясининг илк тадқиқотчиси Шарль Балли саналади. У ўзининг илмий асарларига ФБларни тадқиқ қилувчи махсус боблар киритган эди [Шарль Балли 1905,1909].

Ф. де Соссюр синтагма, унинг белгилари ҳақида сўз юритар экан, тилда шундай тайёр бирликлар борки, уларнинг лисоний табиати маъноси ва синтактик хусусиятларидан келиб чиқади, бундай бирликлар тайёр ҳолда анъанага кўра қўлланилади, -деб таъкидлаган эди [Соссюр 1977.:157]. Инглиз тилшунослигида фразеологизмлар кенг ва чуқур ўрганилмай келинмоқда. Фразеологизмларга идиомалар сифатида қаралиб луғатлар тузилган, лекин чуқур илмий тадқиқ қилинмаган. Фразеология соҳасидаги илмий тадқиқотлар кўпроқ рус ва ўзбек тилшунослигида амалга оширилмоқда. Инглиз тилининг фразеологияси ҳам кўпроқ рус олимлари томонидан ўрганилиб келинмоқда. Бу соҳада айниқса таниқли Россия олими А.В.Куниннинг хизмати каттадир. А.В. Кунин инглиз ва рус тиллари фразеологик луғатининг ҳам муаллифидир (I нашри М.:1955, II нашри 1964, III нашри тузатилган М.: 1967). Биз ўз тадқиқотимизда бу луғатда берилган зоонимик фразеологизмларни ҳам кўриб чиқдик. Ш.Раҳматуллаев тузган «Ўзбек тилининг фразеологик луғати» ҳам ўрганилди (Тошкент: 1978). Фразеология ва хусусан зоонимик лексикани ўз ичига олган фразеологизмлар

ҳақида мавжуд тадқиқотларга қисқача шарҳ бериш лозим.

А.В. Кунин фразеологияни лексикологиянинг бир қисми эмас, балки алоҳида бир фан сифатида ўрганилиши тарафдорларидан бири эди. У фразеологизмларни нутқда қўлланилиши жиҳатидан таҳлил қилади ва ФБларни айрим гуруҳларга ажратади [Кунин 1972.:90].

В.В. Виноградов ФБларнинг мотивациясини ҳисобга олиб, уч турга ажратади. Улар: фразеологик бирикма, фразеологик чатишма ва фразеологик бутунликлардир [Виноградов 1977.:7].

Н. Амосова ФБларни таҳлил қилар экан, ФБларни уларнинг компонентларидан биттаси ёки ҳаммаси кўчма маънода келишига қараб, икки хил гуруҳга ажратади. У агар ФБлардаги компонентларнинг бири кўчма маънода келса, уларни «фразема», агар ҳамма компонентлар кўчма маънода келса, уларни «идиома» деб аташ фикрини илгари суради [Амосова 1964].

А.И. Смирницкий ФБларни сўзга эквивалент қилиб кўрсатади ва уларнинг гапда бирор бир гап бўлаги бўлиб келишини таъкидлайди [Смирницкий, 1956.:21-26].

Фразеология тез тараққий этаётган тилшунослик соҳаларидан бирига айланди. Бу соҳада ўзбек тилшунослигида ҳам салмоқли ишлар мавжуд (Рахматуллаев.,1966, Пинхасов., 1969, Йўлдошев., 1993, Саломов.,1961, Маматов.,1991, ва бошқалар).

Қизиғи шундаки, инглиз тилшунослигида фразеологияга доир алоҳида йирик асарлар йўқ. Лекин инглиз тилидаги идиомалар луғати бир неча марта Англия, АҚШ, Австралия ва бошқа мамлакатларда нашр қилинган. Хорижий тилшунослар ФБни «идиома» деб атайдилар ва уларни грамматика ва лексикологияга тегишли деб, уларга «Сўзларнинг семантик бирикмаси бўлиб, кўпинча синтактик чегараланган алоҳида бирлик сифатида қўлланилади»-деб таъриф берадилар [Crystal D. 2003: 225-226]. Шундай қараш ва «идиома» терминини қўллаш рус тилшунослигида ҳам мавжуд [Широков 2003.:162-163].

Жаҳон тилшунослигида ҳозирги кунга қадар фразеологиянинг соҳаси кенг ва тор маънода тушунилмоқда. Фразеологияни кенг доирада тушунувчи олимлар унинг таркибига мақоллар, маталлар, афоризмлар ва бошқа типдаги турғун бирликларни киритадилар [Арнольд 1979; Кунин 1970]. Тор доирадаги фразеология тарафдорлари эса яхлит кўчма маъноли турғун бирликларни ўрганиш билан чегараланадилар. Улар фразеологик тадқиқотларида фақат бирикмага тенг бўлган ФБларни тадқиқ этиб, мақол ва маталларни фразеология объекти сифатида баҳоламайдилар [Амосова 1963; Пинхасов 1969]. Фразеологиянинг объектини тор доирада таҳлил этувчи олимлар ўз асарларида ФБларни ўз табиати билан сўз бирикмасидир, деган далилни келтирадилар ва ўз навбатида мақол, матал ва афоризмларни фразеологизмлардан четда қолдирадилар. Шундай қилиб, фразеологиянинг ҳажмини тор доирада тушунувчи олимлар уни кенг доирада тушунувчи олимларга фикран қарама-қарши позицияни эгаллаб келмоқдалар. Мазкур тадқиқотда биз А.В. Кунин назариясига асосландик ва ФБларнинг таркибига кўчма маънодаги турғун сўз бирликларини ва кўчма маънода келган гап шаклидаги мақол ва маталларни ҳам тўлалигича киритамиз. Кейинги даврда тилдаги мақолларни ўрганиш фразеологиянинг алоҳида соҳаси ҳисобланувчи паремиологияда (грекча *protonia* - мақол, матал) ўрганилмоқда ва ҳатто турли тиллардаги мақолларни қиёсий чоғиштириш паремиологияда тадқиқ қилинмоқда [Бакиров. 2006.:297]. А. В. Кунин ФБларни гуруҳга бўлиб ўрганар экан, у тўртинчи гуруҳга коммуникатив ФБларни киритган, мақол ва маталлар ҳам худди шу ердан ўрин олган. А. В. Куниннинг таърифига кўра ФБлар бутунлай ёки қисман кўчма маънони ифодалаган турғун бирликлардир [Кунин,1970].

Демак ФБларнинг асосий хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: ФБ таркибида камида иккита сўз қатнашиши керак, ФБлардаги бир неча мустақил сўзлар бир гап бўлаги ёки гап вазифасини бажариши мумкин, ФБларда компонентлар бутунлигича узок вақт барқарор

бўлади, шунингдек, ФБлар ўзларининг таъсирчанлиги, бўёқдорлиги билан тингловчига таъсир қилади.

Инглиз тилининг Америка адабий вариантыда фразеологизмлар кўп қўлланилади. Инглиз тилида, хусусан инглиз тилининг Америка адабий вариантыда фразеологизмлар кўп қўлланилишига сабаб, янги тушунчаларнинг ривожланиши ва уларни ифодалаш учун янги иборалар зарурлигидадир, лекин янги иборалар доим ҳам тузилмай, бу тилда бор бўлган сўзлардан уларни бириктириш йўли билан янги маънодаги иборалар яратилишини кўрсатади [Мақкай. 1975.: VI].

Маълумки, халқ оғзаки ижодида фразеологик бирликлардан айрим ҳолатларни, воқеаларни таъсирчан ва жозибали ифодалаш мақсадида фойдаланадилар. Айниқса, зооним компонентли фразеологик бирликлар халқ орасида кенг қўлланилади. Тилшуносликда зоонимларни ифодаловчи лексика қушлар, ҳайвонлар, балиқлар, судралиб юрувчилар ва ҳашоротлар номлари каби алоҳида гуруҳларга бўлинади.

Маълумки, зоонимлар ўзларининг образлилиги, эмоционаллиги билан изоҳланади ва улардан оғзаки нутқда, бадиий матнларда кенг фойдаланилади. Шуниси қизиқки, бир зооним қардош бўлмаган турли тилларда бир хил нарсани ифодалаш мумкин. Айрим ҳолларда эса, бир зоонимнинг ўзи турли тилларда бир-бирига қарама-қарши бўлган сифатларни ҳам ифодалаш мумкин.

Масалан инглиз тилида "elephant" кўчма маънода салбий тушунча ифода этса, бунинг ўзбек тилидаги муқобили бўлган “фил” ижобий маъно англатади. Шу билан бирга ҳиндларда ҳам фил гўзаллик, орасталик рамзи ҳисобланади. Бундан ташқари, арабларда гўзал аёллар туяга тенглаштирилса, аксинча инглиз, француз, озарбайжонларда бу дағаллик, бесўнақайлик, жаҳл ва қасос рамзи ҳисобланади. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, тилнинг лексик-семантик қатламида зоонимлар сингари бой ва мураккаб табиатга эга бўлгангуруҳни топиш қийин. Шунинг учун ҳам уларнинг тилда кенг

вазифани бажариши кўп қизиқиш уйғотади. Ўзбек тилида ҳайвонлар образи асосида шаклланган фразеологизмлар кўпгина мавжуд бўлиб, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатдан қўлланилиши А.Э.Маматов томонидан қисман ўрганилган. [Маматов 2000.:25-27]

Зоонимлар кўп йиллардаи бери тилшуносларнинг ўрганиш объекти бўлиб келмоқда. Е.А. Гутман ва М.И. Черемисиналар (1970) рус ва француз тилларидаги ҳайвон номларини қиёсий ўрганганлар.

Турли хил йўналишларда тадқиқот олиб борган кўплаб олимлар зоонимик лексикани турли томонлардан ўрганганлар ва бунда ҳар хил методлардан фойдаланганлар. Айрим олимлар зоонимик лексикага тарихий-қиёсий метод асосида ёндошиб, таҳлил учун уй ҳайвонлари ёки қушлар-паррандаларни танлаб олишган (Ю.В.Юсуфов (1985), А.В.Захарова, М.И.Черемисина (1975), Л.Д.Замскова (1975) ва бошқалар). Бошқа бир гуруҳ тилшунослар эса, ҳайвонлар номларининг таркиби ва маъносини ўрганганлар (М.Р. Гюлумянц (1971), Ф.А. Литвин (1981), О.А.Рыжкина (1979)). Айрим олимлар зоонимларининг сўз яшаш функцияларига аҳамият берса (Н.Ф. Зайченко (1983)), бошқа бир олимлар эса ҳайвон номлари терминологиясини ўрганган (Д.Х. Базарова (1978)). Баъзи тадқиқотчилар ҳайвон номларини метафора асосида ўрганганлар ва зоонимларни турлича тасниф қилганлар.

Ю.Л. Лясота зоонимия ҳақидаги илмий ишида инглиз тилидаги зоонимик лексемаларни таҳлил қилади [Лясота, 1984:116] ва зоонимларни: а) уй ҳайвонлари; б) ёввойи ҳайвонлар; в) қушлар-паррандалар; г) судралиб юрувчилар каби кичик гуруҳларга ажратади. Бундан ташқари, у таркибида зоосема мавжуд бўлган турғун бирикмали гапларни иккига ажратади:

а) содда гапларда қўлланган зоонимлар: all cats are grey in the dark – оч коринга ҳамма нарса ширин туюлади; the scalded sheep infects the whole flock – тиррақи қўй подани бузади;

б) боғланган қўшма гапларда қўлланган зоонимлар: the dog barks but the

caravan goes on – ит хуради, карвон ўтади.

Ю. Л. Лясота ўрганган зоонимлар асосан мақолларда ишлатилган. Н.А. Клушин эса, ўз номзодлик диссертациясида инглиз тилида шахсга нисбатан зоонимик ва фитонимик тавсифни ўрганган [Клушин, 1991:16]. У инглиз ва рус тилларидаги зоонимларни ўзаро таққослайди. Масалан, «осел» рус тилида – тентак, нодон одам, "ass" инглиз тилида аҳмоқ, нодон одам – a stupid, obstinate person, "a pig" ифлос, қалтис одам – dirty, greedy; ill-mannered person.

Кўпинча зоонимик лексемалар асл маъносида келганда, ўзига хос чегарага эга бўлади. Кўчма маънода эса, эмоционал образлиликни ўзида намоён этади ва оғзаки нутқда фаол қўлланади ҳамда бадиий адабиётда ҳам тилга образлилик, экспрессивлик бағишлайди.

О.Ж. Латипов ўз номзодлик диссертациясида рус, ўзбек ва тожик тилларидаги уй ҳайвонлари номларининг семантик тузилишини қиёсий таҳлил қилади [Латипов, 1997]. У ўз ишида учала тилдаги айнан бир хил ҳайвон номларини ифодаловчи сўзларнинг ҳар қайси тилдаги алоҳида маъно хусусиятларини изоҳлаб беради ва шу йўсинда айрим ҳайвон номларини учала тилда ҳам бир хил маънода келиши мумкинлигини таъкидлайди. Масалан, ўзбек тилидаги «чўчқа» ва рус тилидаги «скотина» зоонимлари иккала тилда ҳам салбий маънода келади. Рус тилидаги «курица» зооними эса кўпроқ салбий маънода ишлатилади. Бу сўз иштирокидаги ФБлар ўзининг конотатив хусусияти билан изоҳланади:

мокрая курица – хунук, башанг;

писать как курица лапой – хунукёзмок;

оёғи куйган товукдай – ваҳимагатушиб, (салбий маъно);

хўроз йигит – эпчил ва мард йигит;

хўроз гап – асосий гап, гапнинг индаллоси;

жўжа хўроз – ўзини мағрур тутадиган бола, йигитча.

Турли тилларда зооним сўзларни ўрганиш ва уларни қиёслашдан

бошланган тадқиқотлар кейинчалик фразеологияга ҳам кўчди ва таркибида ҳайвон номлари бўлган фразеологизмларнинг структурал-семантик ва грамматик жиҳатлари алоҳида ўрганила бошланди. Фразеологик бирликларни қиёслашда Ў.Қ. Юсупов таклиф этган метод ва тамойиллар назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Унинг фикрича, аввал тўғри келувчи (эквивалент) ва тўғри келмовчи (эквивалент бўлмаган, муқобил) фразеологик бирликлар аниқлаб олинади. Сўнгра она тилида ва чет тилида эквивалент бўлган фразеологизмлар алоҳида ажратилиб, улар қуйидаги тамойилларга кўра қиёсланади:

- а) семантикаси, образлилиги (метафоризацияси);
- б) маъноларини қайта аниқлаш даражаси;
- в) компонентлари сони;
- г) компонентларининг жойланиш тартиби;
- д) синтактик алоқани ифодалаш усули;
- е) компонентларининг морфологик сўз туркумлари;
- ж) компонентларининг кичик гуруҳларга киришига кўра;
- з) компонентлари сўзларнинг мавзусига тегишли бўлиши;
- и) вариантлилиги;
- к) қанча учраши (ишлатилиш частотаси); [Юсупов. 2007.: 66-67]

Юқорида кўрсатилган фразеологизмларни қиёслаш аслида учта катта тамойилга асосланган:

- 1) лексик, семантик ва стилистик жиҳати;
- 2) грамматик жиҳати, яъни морфологик структураси (компонентлари қайси сўз туркумига тегишлилиги) ва синтактик алоқага киришиши;
- 3) ўзаро бир-бирига муносабати; полисемик, синонимлик, антонимлик, вариантлик алоқалари ва оз ёки кўп қўлланилиши.

Биз ишимизда бу тамойилларга асосландик ва уларни инглиз ва ўзбек тиллардаги зоонимик компонентли фразеологизмларни қиёслашда анча қулай эканлигини аниқладик.

Биз ўз ишимизда эталон тил сифатида инглиз тилини олдик ва ундан ўзбек тили билан қиёслаганда асосий манба сифатида фойдаландик. Мазкур ишнинг қиёсий натижалари икки тилдаги фразеологик луғатни тузиш тамойилларини ишлаб чиқишда катта ёрдам беради, бундай кўп тиллик луғат тузиш методи ва тамойиллари мавжуд [Умарходжаев 1972.: 27]. Бундай луғатларни тузганда, фразеологизмларнинг полисемантик, синонимик, антономик ва вариантлик жиҳатларини ҳам кўрсатиш жуда фойдалидир.

ЗКФБлар унчалик кўп ўрганилмаган бўлса-да, улар ўзининг оригинал маъноси билан эътиборни тортади. ЗКФБларга бағишланган қизиқарли ишлардан бири Т. В. Шмелева томонидан ёзилган бўлиб, рус ва болгар тилларидаги зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг таҳлиliga бағишланган. Унда зоонимик фразеологик бирликларнинг турли хил хусусиятлари илмий тадқиқ қилинган. У рус ва болгар тилларидаги ФБларни қиёслашда алоҳида «полиэталон» сифатида ғоз, қўй, сигир, товук, от, мушук, бўри, айиқ, пашша, ит ва ҳоказоларни кўрсатади ва уларни уч гуруҳга ажратади [Шмелева 1996, №8.text 7.htm].

Биринчи гуруҳга у қуйидаги синонимик қиёсий ФБларни киритади: тихий как мыш – сичқондек беозор; затаился как мыш в норе – гунг бўлиб қолмоқ, оғзига талқон солмоқ; притих как мыш под метлой – сичқоннинг ини минг танга бўлмоқ.

Иккинчи гуруҳдаги ФБлар таркиби асосан уй ҳайвонларининг номларидан тузилган зоонимлар бўлиб, уларнинг айрим хусусиятлари ҳар доим уларга қарайдиган (парваришлайдиган) инсонларга қиёсланади: работать как ломовая лошадь; дышать как лошадь.

Полиэталонларнинг учинчи гуруҳига рус ва болгар тилларидаги «собака» зооними киритилади ва уларнинг ФБларда маъно кучайтирувчи сўз бўлиб хизмат қилиши кўрсатилади. Бундай қиёсий тусдаги ФБларда зооним компонентнинг асл маъноси йўқолади ва у фақат белги ёки ҳаракатни кучайтирувчи элемент вазифасида келади:

Голодный как собака – жуда ҳам оч, злой как собака – жуда ёвуз, устать как собака – қаттиқ чарчаган, избить как собаку – ёмон дўппосламоқ.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, турли тилларда образ-эталонлар ҳар хил сифат ва хусусиятларга эга. Айнан бир зооним икки тилда ҳам бир хил маъно вазифасида қатнашмаслиги мумкин. Зоонимик ФБлар қандай тилда бўлмасин, ўша тилнинг, ўша халқнинг ўзига хос менталитетини акс эттиради.

Юқоридагилардан маълум бўладики, зоонимик лексика қардош бўлмаган тиллардагина эмас, балки бир-бирига яқин бўлган тилларда ҳам ўрганилган. Бизнинг таҳлилимиз зоонимик лексиканинг кўп қатламлилигини ва кенг қўлланилишини исботлайди. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, инглиз тилидаги ЗКФБларнинг семантик ва структуравий хусусиятлари алоҳида ва монографик аспектда ўрганилмаган.

ЗКФБлар фразеологизмлар орасида муҳим ўрин тутди ва улар фразеологик бирликларнинг структурасида каттагина ўрин эгаллайди. ФБлар таркибида зоонимлар билан ифодаланувчи лексемаларнинг борлиги муайян ФБнинг уларга муносабатини ифодалашини кўрсатади. Одатда, ҳар бир ҳайвон, ҳашорот ёки парранда айрим ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Масалан, чумоли ва асалари меҳнатсеварлик рамзи бўлса, шер довюрликни, қуён эса эҳтиёткорликни англатади. Масалан,

a gay cat – тажрибасиз, ёш ниҳол.

Somewhat from the thickly strewn hazards. But green hoboes "gay cats" walked into these dangers blindly and weren moved down in hundreds [Porter].

like a cat in a strange garret – ноқулай вазият

When he arrived in Boston, he felt like a cat in a strange garret.

a tame cat – ҳиссиз киши, уй қизи

And remember. I don't want a fortune for this thing only a good price. There's a lot of tame cats who mightn't follow the new man around. [Cronin]

as weak as a cat – жуда беҳол

There isn't much fear of my getting up, dog "answered the captain, I feel as weak as a cat. [Maugham]

a wild cat – фойдасиз иш

Mr. Norbelt Keeman, in the legislative Assembly; had drawn attention to the recent epidemic of "Wild cats" [Prichard]

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, инглиз тилидаги a cat– мушук зооними асосан салбий маънодаги фразеологик бирликларда ишлатилади ва у кўпинча “тажрибасиз, фойдасиз иш”, “хиссиз киши” каби маънолардакелади.

Масалан, инглиз тилидаги spring chicken «тажрибасиз киши»ни англатса, ўзбек тилидаги «аммамнинг бузоғи» худди шу мазмунниберади. Бу ўринда, инглиз тилида "chicken" ўзбек тилида «бузоқ» зоонимларидан фойдаланилган. Айрим фразеологик бирликлар кишиларнингбирор воқеа-ходисага нисбатан ҳолатини белгилайди.

By sock! –Худо ҳаққи!

Has the cat got your tongue? – Мум тишлаганмисан? Нера гапирмайсан?

Donald and Felicity stood there paralyzed. "Come on" said Miss Hand Porth, Has the cat got your tongue? What have you two been up there, may I ask? [Murdock]

What dog is hanging? – Ўзи нима гап?

Айрим ЗКФБлар ўз синонимлари ва антонимларига эгадир. Масалан инглиз тилидаги old bird «тажрибали киши»ни англатса, spring chicken – «тажрибасиз киши»ни англатади. Бу ўринда old bird ↔ spring chicken бирига қарши фразеологик антонимлар ҳисобланади.

Инглиз тилига доир изоҳли луғатларда “a cat” (мушук), “a dog” (ит) зоонимлари қатнашган фразеологизмларининг ёзилишида фарқланишлар мавжуд: cat and dog, cat-and-dog, dog’s violet, dog-violet, dog violet кабилар. Уебстер луғатида “a cat” зооними қатнашган фразеологизмлар берилмаган. Бошқа инглиз тили изоҳли луғатларида “a dog” зооними қатнашган

ибораларнинг баъзилари тушиб қолган [Гюббенет, Черезова, 2004:56-58].

Инглиз тилидаги зоонимик компонентли фразеологизмларнинг фонетик жиҳати, хусусан акцент структураси ўзига хослиги билан ажралиб туради. ЗКФБларда кўпинча ҳар бир мустақил сўзнинг биринчи бўғинига урғу тушади, лекин сўзларни боғлашга хизмат қилувчи предлоглар ҳамда сўзларга тегишли артиклар урғу олмайди: to 'teach an 'old 'dog 'new 'tricks- билимдонга иш ўргатмоқ

to 'put the 'cat 'among the 'pigeons– бир-бирига душман қилиб қўймоқ

Зоонимик лексикага, фразеологик бирликларга бағишланган илмий ишлар қизиқарли ва хилма-хилдир. ФБ қанчалик кўп ўрганилса, таҳлил ва тасниф қилинса, ундаги янги қирралар очилишига имкон туғилади.

1.2. Фразеологик бирликларнинг грамматик таркиби. Сўз туркумлари нисбати асосида таҳлили

ФБлар таркибига ҳар қандай сўз туркуми кириши мумкин. ФБлар билан контекст ўртасидаги муносабатда ФБларнинг грамматик қурилиши муҳим роль ўйнайди. ФБлар лексик бирликларва қўшма сўзлар қаторида сўз туркумлари каби лексик-грамматик жиҳатдан таҳлил қилинади. Масалан, Отли (субстантив) ФБлар предметни билдиради; Феълли (вербиал) ФБлар иш-ҳаракатни билдиради; Сифатли (адъектив) ФБлар бирор нарсанинг хусусиятини, сифатини англатади; Равишли (адвербиал) ФБлар ҳолат, даража ва х.к.ни билдиради. Турғун сўз бирликлари синтактик бирликларга бўлинмайдилар ва ҳар доим гапда яхлит ҳолда маълум бир гап бўлаги вазифасида келадилар. Қуйида биз ЗКФБларни сўз туркумларига нисбатан 5 турга ажратдик:

1. Отли ЗКФБлар
2. Феълли ЗКФБлар
3. Сифатли ЗКФБлар
4. Равишли ЗКФБлар
5. Ундовли ЗКФБлар

I. Отли ЗКФБларда бутун бир бирикманинг ўзи ким?, нима? сўроғига жавоб бўлади. Тўпланган зоонимик компонентли фразеологик бирликлар ичида 42%, яъни 420таси отли ЗКФБлардир.

Отли фразеологик бирикмалар асосан Adj+N - конструкцияси шаклида тузилган бўлиб, қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Adeaddog– кераксиз инсон, фойдасиз инсон. You're no more use than a dead dog. We'll just have to go along the reef tillwe find the opening. [Maugham]

2. Top dog – бошлиқ:

"Do you suppose yourself top dog in this house?", "Yes, Soames:", "Oh, then you can go back to France tomorrow".[Galsworthy]

3. A sly dog– айёр киши:

You're a sly dog. Hand in glove with the great detective, and not a hint to the way things are going.[Cristie]

4. Yellow dog – кўрқоқ киши

Believing they were attacked by Indians, the settlers ran from their beds and were there seized by Andy's men as fast as they appeared. "Search the houses "-he said. Bring all the yellow dogs out. [Fisher]

5. A fair cow – ёлғончи, фирибгар.

I had a fair cow of a horse called Grasshopper. [Prichard]

6. A white crow – тасодифий ҳодиса.

A black swan Shirley had the air of a black swan or while crow in the midst, of this party. [Bronte]

7. The dogs of war–уруш даҳшатлари.

Desease, famine and death are the dogs of war.

8. A dumb dog – хотиржам киши

Proteus : "If his Majesty wants a Cabinet of dumb dogs he will not get it from my party "

9. Hot dog: a) иссиқ сосиска билан булочка.

On their evening off they went economically to an imitation Coney Island...and with great pleasure they ate hot dogs pain stakingly they rode the scenic railway. [Lewis]

b) hot dog – машҳур спортчи:

Alston Mackintosh...was a real hot dog.

c) hot dog – ажойиб иш!

The Major could see every unit in the Army using his idea at last: Hot dog!
Таркибида «ит» зооними бўлган ФБлар ўзбек тилида ҳам жуда кўп. Улар икки компонентли ҳолатдан токи бир гапга тенг келувчи кўп компонентли ибораларгача бориб етади: ит феъл; ит уруғ; ит тинса ҳам, у тинмайди; ит ҳам думи билан атрофини тозалаб ўтиради кабилар.

9. A white elephant – кўп харажат талаб қиладиган нарса:

Wickford Point isn't a farm – it's a white elephant. It catches up money faster than I can make it. [Maugham]

10. A cold fish – ҳиссиз киши:

"Then you locked the door and searched him at once". Yes, you'll think I am a cold fish. Well, may be I am.

11. A poor fish – камбағал одам:

If the poor fish would have his teeth x-rayed, I'll bet nine a half cents he'd find an abscess there [Lewis]

12. A willing horse – меҳнатсевар киши:

If he is as good at his research work as some of us are inclined to think he should not be encumbered with more pedestrian activities. We can always find willing horses among ourselves to carry out the more pedestrian activities.

13. A black sheep – оиладаги қора доғ:

I am the black sheep of the family. I don't belong. I've violated the rules.

14. Soup and fish – смокинг – тунги эркаклар костюми:

Go home and doll up in your soup and fish, poul and wipe that worried look off your map. Tonight we gamble.

15. A black swan – айрим ҳодиса:

I speak of the generality, not of the few black swans among us. [Galsworthy]

16. Cold turkey – қурбон бўлган нарса, ютуққа эга бўлмаган нарса: «Sam» I said, «I don't know where to find anybody who would put money into a play that's already a cold turkey».

17. Cold turkey – совук, ҳиссиз киши:

He was... what we call a grouch face, a drizzle-puss, a wet blanket, a cold turkey.

18. Cold turkey – наркоманнинг наркотикларни тўхтатиши. (медицина аралашувисиз) Joe did a cold turkey.

19. An old bird – тажрибали киши, қария:

She rather amusses me. What a detective the old bird is!... How she enjoyed hacking down the unfortunate Carrington... [Aldington]

Биринчи компоненти феъл билан ифодаланган ЗКФБлар луғатларда жуда кўп [Seid, Mc Mordic 1983, 216-218]. Улар ҳайвонларнинг ҳаракатини инсон ва воқеаларга ўхшатиш ёки метафора усули билан кўчиришда қўл келади. Масалан: to make an ass of oneself – эшакдек аҳмоқона йўл тутмоқ; to make a beast of oneself – ҳаддан ортиқ овқат емоқ; to have a bee in one's bonnet– бир иш билан доимо шуғулланмоқ; to kill two birds with one stone– бир ўқ билан икки қушни отмоқ; to let the cat out of the bag– сирни ошқора қилмоқ; to do the donkey work– оғир ишни бажармоқ;

Биз бу ЗКФБларни алоҳида иккинчи гуруҳга ажратдик.

Таҳлил натижаларига кўра бундай ЗКФБлар 38.4%, яъни 384тани ташкил этадилар. Феълли фразеологик бирликлар асосан V+N конструкцияси бўйича ясалган бўлиб, асосан қуйидаги маъноларни билдиради:

1) bell the cat – хавфли ишда вазифани ўз бўйнига олмоқ.

The nations trembled and said, what will he do now? Who will be the next victim? Who of us dare bell this wild cat.

2) whip the cat – афсусланмоқ.

It was no use whipping the cat about it now, Morris pointed out. [Prichard]

3) put a cat among the canaries (pigeons) – эътибор пайдо қилмоқ.

"It's waste of time", she said: it gets you nowhere... Three or four good books and a bit of mystification, and people will take some notice. Putting a cat among the pigeons – I'm a great believer in that...

4) call off one's dogs – беъмани (ишни) суҳбатни тугатмоқ.

"Lowdan is down at the Haskell Hotel", he said: "I know he's in his room now. Go down and let him take a peep at that but don't let him get his hands on it and tell him to call his dogs off".

Юқорида келтирилган мисолларда ҳар бир зоонимик фразеологизмлар муайян нутқ шароитида (бу ўринда матнда) ўз маъносини ифода этади.

Қизиғи шундаки, бир зоонимик фразеологизм турли нутқ шароитида ҳар хил маънода қўлланилади. Масалан: hot dog, cold turkey кабилар. Бироқ зоонимик фразеологизмларнинг бирор компоненти ўзгарса, уларнинг маъноси ҳам бутунлай ўзгариб кетади. Масалан: bell the cat, whip the cat кабилар ЗКФБларнинг ичида феъл компонентли бирликлар нисбатан фаол иштирок этади.

Айрим феълнинг ўзи бир неча бирликларда келган ва улар турли хил компонентлар билан бирикканлигидан қатъий назар, бир хил маънони англатади, бундай бирликлар синонимик алоқада бўла олади. Масалан: to take the bull by the horns ↔ to take the bear by the tooth.

Бу икки бирикмада to take феъли ишлатилган бўлиб, «бирор-бир мақсад йўлида ўзини хавф-хатарга қўймоқ» деган маънони англатади. Бундай мисоллар кўпчиликни ташкил этади:

See the loins ↔ see the elephants

Show the lions ↔ show the elephants

ЗКФБларнинг учинчи гуруҳи сифат компонентли фразеологик бирликлардир. Улар таҳлил қилинаётган бирликларнинг 16%, яъни 160тани ташкил этади. Улар орасида қиёсий ФБлар кўпчиликни ташкил этадилар. Улардан айримларини мисоллар асосида кўриб ўтамыз.

1) Like a bird– ҳеч ҳандай иккиланишларсиз, тўппа-тўғри:

A month later Mr Ham asked Mrs Kilmarnock to marry him, and she consented like a bird. [Bennett];

2) as light as a butterfly – енгил табиатли;

3) as nervous as a cat – жуда асабий:

I was as nervous as a cat when I unlocked the lock and got into what was obviously their living room [Maugham];

4) as tame as a chicken – жуда юввош;

5) as cunning as a fox – тулкидай айёр:

Feeling is a man of forty-five years, wiry, slender, and as cunning as a fox...;

6) like a dog with two tails – жуда мамнун:

It's my belief he was up to some game or other. Whatever it was, he was like a dog with two tails about it;

7) as weak as a cat – жуда қувватсиз:

They didn't much fear of my getting up, doc. answered the captain. "I feel as weak as a cat" [Maugham];

8) as playful as a kitten – жуда ўйинқароқ:

They stroked his smooth face and looked with curiosity at his large young hands. They were as playful as kittens [Maugham];

9) as agile as a monkey – чаққон:

He'll climb up that tree in a jiffy. He's as agile as a monkey;

10) as proud as a peacock – товусдек мағрур:

I want to know- Did you help him with his essay?

- Help him! He didn't even let me see it.

-Well that's all right then. I didn't want looking smug because you wrote it for him.

-I can't get over it. It goes to show me we don't know much about our own children. How's Ellen taking it?

-Why, proud as a peacock... [Steinbeck];

11) as proud as a peacock – товусдек мағрур.

as gaudy as a peacock – товусдек мағрур.

ЗКФБларнинг 4-гурухига равишли ФБларни киритдик. Бундай бирликлар тўлалигича қандай ҳолатда? қай тарзда? қачон? каби сўроқларга жавоб бўлади. Бу каби бирликлар таҳлил материалларида 16 та бўлиб, 1,6%ни ташкил қилади.

1. When pigs fly – ҳеч қачон:

Annie sniffed. "The day pig's fly" That will be the day.

2. In less than a pig's whisper – ҳозирнинг ўзида, бир зумда:

"If you don't mind what I say, my boy," said the father, "you'll find yourself

in bed in something less than a pig's whisper"[Dickens]

3. Till the cows come home – жуда узоқ вақт:

Whiskey was another matter, but beer he could drink till the cows come home and it wouldn't affect him.

4. When the cows come home – ҳеч қачон:

When do you expect him to pay back that debt? When the cows come home.
I expect.

5. As the crow flies – тўппа-тўғри:

We cut over the fields ... straight, as the crow flies... through hedge and ditch. [Dickens]

ФБларнинг 5-гурӯҳи ундовли ФБлардир. Ундовли ФБлар ЗКФБлар ичида унчалик кўпчиликни ташкил этмайди. Улар атиги 2%, яъни 20тани ташкил этади холос. Масалан:

1) dog my cats! – Жин урсин! Худо ҳаққи!

I began to feel sorry, for Hubby, dog my cats if I didn't. [Henry]

2) a fine kettle of fish – яхши иш бўлмабди:

When she had gone Soames reached for the letter. "A pretty kettle of fish", he muttered, "Where it'll end, I can't tell" [Galsworthy]

Таҳлил натижаларига кўра отли ва феълли зоонимик бирликлар инглиз тилида фаол қўлланилган. 1000 дан ортиқ ЗКФБларнинг 42 % ини отли бирликлар ташкил этган ва жадвалда биринчи ўринни эгаллаган. ЗКФБлар орасида ундовни англатувчи бирликлар жуда кам учради.

ЗКФБларнинг сўз туркумлари бўйича таҳлили қуйидаги натижани кўрсатди:

ЗКФБларнинг сўз туркумлари асосида таҳлили

ЗКФБлар	Сони	Фоиизи
Отли	420	42%
Феълли	384	38,4%
Сифатли	160	16%
Рашишли	16	1,6%
Ундов	20	2%
Жами	1000	100%

1.3. Фразеологик бирликлар компонентлари таркибининг таҳлили ва уларнинг структуравий моделлари.

ФБларни структуравий жиҳатдан таҳлил қилиш муаммоси ҳали етарли даражада ўрганилмаган қизиқарли масалалардан биридир.

Хусусан, инглиз тилидаги ЗКФБларнинг структуравий компонентлари ва моделлари илмий адабиётларда унчалик ёритилмаган. ФБларнинг тузилиш йўллари ва формаларини ёритмай туриб, уларни таҳлил қилиш ҳақида гапириб бўлмайди. Семантиканинг ўзи ҳеч қачон шаклдан ажратилган ҳолда ўрганилмайди, чунки у иборанинг ичида шаклланади. Шунинг учун ҳам ЗКФБларнинг семантикасини ўрганиш учун, дастлаб уларнинг структуравий хусусиятларини ўрганиб чиқиш керак.

ФБларнинг структуравий хусусиятлари ва компонентлари тартиби кўплаб илмий ишларда ўз аксини топган. Жумладан, А. И. Смирницкий (1956), А.В. Кунин (1970, 1972), Т.И.Арбеков (1977, 1989) каби тилшунослар ўз ишларида ФБлар структурасини таҳлил қилган .

Фразеологизмларнинг тузилиши масаласи кўпгина ишларда тадқиқ этилган. С.Ф.Арсентьева (1993), Г.Х.Алиева (1999), Е.В.Николина(2002), Л.Г.

Павловская (1999), А.Ш. Хамматова (1999), Л.Ш. Шаммаева (1994) ва бошқалар. Баъзи ишларда эса, ФБлар грамматик нуқтаи назардан таҳлил қилинган: А.А.Амна (1998), М.Ю. Дементьева(2002), Н.Е.Куныгина (1996), Н.В.Халикова (1993), Р.Х.Хайрулина (1997) ва бошқалар. Бироқ бу ишларда зоонимик фразеологизмлар ўрганилмаган.

Ушбу ишларнинг айримлари устида тўхталиб ўтамиз ва уларнинг ғоялари асосан нималардан иборат бўлганлигини кўрсатиб ўтамиз. Айрим тадқиқотчи олимлар ФБларнинг структурасини компонентнинг муайян морфологик хусусияти томонидан тадқиқ этганлар ва ФБларни отли, феълли, равишли фразеологизмларга ажратиб ўрганганлар. Е.В. Арсентьева ҳам феълли ФБларни таҳлил қилади ва уларни рус ва инглиз тилларидаги содда ва мураккаб сўз бирикмаси каби ўз структурасига эга бўлишини таъкидлайди [Арсентьева 1993]. Г. Х. Алиева субстантив, феълли ва сифатли фразеологизмларни таҳлил қилади ва уларнинг ясалишидаги бир қанча ўхшаш сифатларни изоҳлаб беради [Алиева 1999]. Лекин бу ишларда зоонимик компонентга эга бўлган фразеологик birlikлар алоҳида таҳлил қилинмаган. Инглиз ва турк тилларидаги феълли ФБларнинг структуравий хусусиятлари [Хамматова 1999], ҳамда инглиз ва татар тилларидаги «озиқ-овқат» маъносида келган адъектив, субстантив ва феълли фразеологизмлар [Тарасова 1999.:24] ҳам қиёсланган.

Ушбу тадқиқотларнинг натижаларига кўра фразеологизмларнинг структураси юзасидан бир қанча умумий фикрлар айтилганини ҳамда улар фразеологизмларнинг бир қанча тиллардаги турлича структуравий хусусиятлари изоҳлаб берилганлигини таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

Турли тилларда фразеологизмларни қиёслаш методи ва тамойиллари унчалик устувор эмас, лекин ҳар икки қиёсланаётган тилларда бир тил бирлигини ёки ҳодисасини микросистема сифатида олиб, унинг таҳлилида бир хил методга асосланиб иш тутилади. Бир турдаги фразеологизмларни қиёсий ўрганишда тиллараро мутаносиблик ёки тўғри келувчи ҳолатларни

аниқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлади [Юсупов 2007.: 51]. Икки тилдаги фразеологизмлар доим ҳам бир-бирига тўғри келмайди. Масалан инглиз тилида «Dog my cats!» ибораси ўзбек тилида «Худо ҳаққи!» деб берилади, яъни эталон тилдаги инглизча турғун иборани ўзбек тилига таржима қилиш мумкин эмас. Шу сабабли унинг муқобили топилади ва бу инглиз тилидагига бутунлай ўхшамайди. Бу фразеологизмларнинг компонентлари ва структураси фарқланади, лекин улар шартли бўлса ҳам, семантик жиҳатдан яқин маънодаги муқобил фразеологизмлар ҳисобланади. Фразеологик бирликларнинг verb+complement (фeyл+изоҳловчи); adjective+noun (сифат+от) каби шакллари мавжуд бўлиб, уларнинг маъноси ташкил этган компонентларининг умумий йиғиндисидан келиб чиқади ва бу контекстда аниқланади. Фейлли фразеологик бирликлар кўпинча пассив конструкцияда берилади ва бу хусусият уларнинг грамматик табиатини ифодалайди:

the chips were said to be down; the far was alleged to be flying; the jig is thought to be up [Radford 2002.: 186]

Фразеологик бирликларнинг яна бир ўзига хос хусусияти уларнинг тузилиши гўё оддий эркин сўз бирикмаларига ўхшаса ҳам, структураси турғун бўлиб, бошқа турли бирикмалар билан боғланмайди ва сўз тартибининг ўзгаришига йўл қўймайди. [Fromkin.Rodman 1993.: 153]

Фразеологизмларнинг структураси, компонентлари тартиби, шакли билан боғлиқ бўлган яна бир қанча муаммолар бор. Бу ўринда инглиз тилидаги зоонимик компонентли фразеологик бирликлар назарда тутилмоқда. Биз ЗКФБларнинг компонентлари тартиби, ва структуравий моделларини ўрганишда юқоридаги умумий усуллардан фойдаланамиз. Дастлаб ЗКФБларнинг компонентлари тартибини ўрганиб чиқамиз ва уларнинг ҳар бирини қандай структуравий моделлар орқали бирикишини аниқлаймиз. Ушбу муаммони ҳал этиш учун қуйидаги таҳлил ўтказилди. Биз ЗКФБларни уларнинг компонентлари таркиби жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга ажратдик:

- а) икки компонентли зоонимик фразеологик бирликлар;
- б) уч компонентли зоонимик фразеологик бирликлар;
- в) тўрт компонентли зоонимик фразеологик бирликлар;
- г) кўп компонентли зоонимик фразеологик бирликлар;

Икки компонентли зоонимик фразеологик бирликлар

Икки компонентли ЗКФБлар инглиз тилида катта гуруҳни ташкил этадилар. Улар 1000 та ЗКФБлардан 550 тани ташкил этадилар. ЗКФБларнинг сони хусусида келтирилган бу маълумотлар луғатларни кўриб чиқиш натижасида ҳосил бўлган. Аммо уларнинг сони янада кўпроқ бўлиши мумкин, чунки тил доимий ривожланишда ва бойишда давом этиб туради. Кузатишларимиз кўрсатишича, икки компонентли ЗКФБлар қуйидаги структуравий моделларга эга:

1) noun + noun структуравий модели билан қуйидаги зоонимик фразеологизмлар ясалган: monkey business – аҳмоқона одат; the cat's meow – олий навли нарса, яхши нарса; jail bird – жиноий қидирувчи; a spring chicken – тажрибасиз киши;

2) adjective + noun структуравий модели бўйича қуйидаги ЗКФБлар ясалган; an old cat – шум кампир; old bird – эҳтиёткор одам; the big bird – хуштак; a day bird – хушчақчақ одам; a fat cat – капиталист; a tame cat – уй кизи; a dull dog – зерикарли шахс; a dumb dog – сокин, камгап киши; hot dog – иссиқ сосиска билан булочка; a lame dog – омадсиз киши; yellow dog – кўрқок киши; top dog – хўжайин, ҳукмронлик қилувчи томон;

Ушбу структуравий моделда as-as конструкцияси билан келган бир қанча икки компонентли ЗКФБлар мавжуд: as blind as an owl – бутунлай кўр; as greedy as a wolf – бўридек ҳасис; as proud as a peacock – товусдек мағрур; as quite as a mouse – сичқондек ювош; as tricky as a monkey – маймундек айёр; as agile as a monkey – маймундек хушёр; as quite as a lamb – кўзичоқдек ювош;

Айрим ҳолатларда компонентларда гап мазмунига кўра бу

бирликлардаги битта as тушиб қолади. Кўп ҳолларда иборанинг грамматик қурилишини эътиборга олиш лозим бўлади. Масалан: dumb as a fish – балиқдек камгап; tired as a dog – итдек чарчаган;

3) икки компонентли ЗКФБларнинг қуйидагилари verb + noun структуравий моделига эга: show the elephant – диққатга сазовор жойларни кўрсатмоқ; see the elephant – ҳаёт тажрибасини кўрмоқ; feed the fishes – балиқ боқишга кетмоқ; чўкиб кетмоқ; act the goat — ўзини телбаларча тутмоқ; start a hare — янги масалани олдинга сурмоқ;

4) икки компонентли ЗКФБларнинг conjunction + noun структуравий моделлари: like a lamb – кўзичоққа ўхшаб; like a bird – ҳеч иккиланмай;

5) икки компонентли ЗКФБларнинг noun + preposition + noun структуравий модели асосида ясалган бирликлари: a bird in the hand – нақд нарса; a bird of paradise – жаннат қуши; a cat in the pan – сотқин; a cat in the meal – сир.

Уч компонентли зоонимик фразеологик бирликлар

Уч компонентли ЗКФБлар инглиз тилида 1000 та ЗКФБларнинг 250 тасини ташкил этади ва қуйидаги структуравий моделлар асосида ясалган:

1) verb + adj + noun структуравий моделига эга бўлган бирликлар: to beat a dead horse – бекорчи иш билан шуғулланмоқ;

2) verb + noun + noun структуравий модели асосида ясалган бирликлар: to die a dog's death – итдек ўлим топмоқ; to buy a pig in a poke – сифатини билмай туриб, ниманидир харид қилмоқ;

3) verb + conjunction + noun структуравий моделига қуйидагилар киради: to swoop like an eagle – ўлжасига бургут каби ташланмоқ; to eat like a wolf – очкўзларча емоқ; to eat like a horse – иштаҳаси карнай бўлмоқ; to eat like a bird – кам емоқ; to drink like a fish – кўп ичкилик ичмоқ;

4) adjective + noun + noun структуравий модели асосида ясалган бирликлар: as hard as goat's knees – жуда бесўнақай;

5) verb + pronoun + noun структуравий моделига кирган бирликлар: to

give one the bird – ишдан бўшатмоқ; hold your horses – шошилманг; sell your ass – ахмоқликни бас қилинг;

б) noun + pronoun + noun структуравий моделига кирган бирликлар: dog my cats – жин урсин.

Тўрт компонентли зоонимик фразеологик бирликлар

Тўрт компонентли зоонимик компонентли фразеологизмлар таҳлилимиздаги 1000 та зоонимик бирликнинг 170 тасини ташкил этади ва қуйидаги структуравий моделлар асосида ясалган:

1) verb + pronoun + noun + preposition структуравий модели билан:

to put smb's monkey up – кимнингдир жаҳлини чиқармоқ;

2) adjective + noun + preposition + noun – структуравий модели билан ясалган бирлик: a pretty kettle of fish – ноқулай вазият;

3) noun + preposition + noun + noun – структуравий модели билан ясалган бирлик:

a wolf in sheep's clothing – қўй терисини ёпинган бўри;

4) verb + conjunction + adjective + noun структуравий модели билан ясалган бирлик: to grin like a Cheshire cat – қаттиқ кулиб юбориш;

5) Тўрт компонентли ЗКФБларнинг қуйидагилари verb + conjunction+ participle + noun структуравий моделига эга; to live like a fighting cock – тўкин-сочин яшамоқ;

б) verb + preposition + pronoun + noun структуравий модели:

call off one's dog's – ноқулай ишни тўхтатиш, ноқулай ишга барҳам бериш;

7) verb + preposition + adjective + noun структуравий модели:

come off the high horse – ўзини катта тутишни бас қилмоқ;

8) adjective + noun + verb + pronoun структуравий моделига кирувчи ФБлар: have a monkey in one's back – гиёҳвандликка ружу қўймоқ;

9) verb + noun + noun + participle I структуравий моделига қуйидаги бирликлар киради:

to know the way the cat is jumping – ишнинг кўзини билиш.

Кўп компонентли зоонимик фразеологик бирликлар

Кўп компонентли ЗКФБлар таҳлилимиздаги 1000 та бирликнинг 30 тасини ташкил этади. Уларнинг сони оз бўлишига қарамай, бир қанча структуравий моделлардан иборат:

1) conjunction + noun + preposition + adjective + noun:

like a cat on hot bricks – нима қиларини билмай қолганга ўхшаб, ўзини йўқотиб қўйиш;

2) verb + preposition + noun + verb + noun:

to shoot at a pigeon and kill a crow – ўзининг аниқ мақсадини яширмақ;

3) verb + noun + preposition + pronoun + noun:

to head the lion in his den – душманга унинг ўз уйида хужум қилиш;

4) noun + conjunction + verb + adjective + noun:

the goose that laid the golden eggs – фойда маскани.

Ушбу иборага яна бир компонент қўшилиб янги маъно ясалганлигини кўришимиз мумкин:

verb + noun + conjunction + verb + adjective + noun:

to kill the goose that laid the golden eggs – фойда масканини йўқ қилмоқ, фойда масканини бадном этмоқ;

5) pronoun + adjective + noun + verb + adjective:

every thing is lovely and the goose hangs high – ҳамма нарса ўз жойида; ҳеч нарса бўлгани йўқ;

6) verb + noun + adjective + noun + verb + noun:

to give a dog a bad name and hang him – ёмон бўлиш осон; ёмон отлик қилиш осон.

ЗКФБларнинг структуравий моделлари қуйидаги жадвалда ёритиб берилди:

Зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг морфологик структурасига кўра моделлари

ЗКФБ	Сони	Фоизи	Структуравий моделлари
2 ком. ЗКФБ	550	55%	1. noun + noun 2. adjective + noun 3. verb + noun 4. conjunction + noun 5. noun + preposition + noun
3 ком. ЗКФБ	250	25%	1. verb + adjective + noun 2. verb + noun + noun 3. verb + conjunction + noun 4. adjective + noun + noun 5. verb + pronoun + noun 6. noun + pronoun + noun
4 ком. ЗКФБ	170	17%	1. verb + pronoun + noun + preposition 2. adjective + noun + preposition + noun 3. noun + preposition + noun + noun 4. verb + conjunction + adjective + noun 5. verb + conjunction + participle + noun 6. verb + preposition + pronoun + noun 7. verb + preposition + adjective + noun 8. adjective + noun + verb + pronoun 9. verb + noun + noun + participle I
Кўп ком. ЗКФБ	30	3%	1. conj + noun + prep + adjec + noun 2. verb + prep + noun + verb + noun 3. verb + noun + prep + pron + noun 4. noun + conj + verb + adj +

			noun
ЖАМИ:	1000	100%	

Қизиғи шундаки, англиз тилида зоонимик компонентли фразеологик бирликлар морфологик жиҳатдан тузилишида деярли ҳеч қандай қўшимча талаб қилмайди. Уларнинг семантик тузилиши зоонимик лексема (a dog, a cat, a pig каби) ўзагида ўзгариш бўлмай, сўз ясовчи ва ўзгартирувчи қўшимчаларни деярли талаб қилмайди. Умуман, бу хусусият бошқа фразеологизмларга ҳам хос ҳисобланади [Haspelmath 2002.: 74, 154-155.] Бу ўринда сўзларга қўшимча қўшилганда, улар бошқа маънони ифодалаши кўзга ташланади. Кўпинча фразеологизмлар мураккаб турғун сўз бирикмалари шаклида бўлса ҳам, уларнинг компонентлари кўпинча турли морфологик воситалар (аффикслар, қўшимчалар)сиз ҳосил бўлади. Бу хусусият англиз тили морфологик жиҳатдан флектив, лекин аналитик белги кўпроқ эканини кўрсатади. ЗКФБларда ҳар бир компонент алоҳида ҳолда ҳеч қандай морфологик воситасиз боғланиши изолирлашган, яъни аморф тилларга хос хусусиятни эсга солади. Масалан: the lion's share – ўлжанинг улкан қисми;

The leopard can't change it's spots – ўз характерини ўзгартира олмайдиган киши; to be top dog – энг кучли киши бўлмоқ кабилар. Бу хусусият умуман сўз ясашдаги маҳсулдорлик камайганда, изолирлашиш хусусияти ҳосил бўлишини кўрсатади [Croft 2003.: 116,252]. Ўзбек тилида ЗКФБларнинг структурасида компонентларига турли морфологик воситаларни, яъни аффикс ва қўшимчаларни қўшиш орқали сўзларни синтактик боғланиши кўпроқ учрайди. Бу хусусият ўзбек тилида агглютинация натижасида, яъни сўзга 6-7 тагача турли қўшимча ва аффиксларни улаш ёрдамида бирикмаларни синтактик ва семантик жиҳатдан боғлашга имкон беради [Абдуазизов 1999.: 55-56]. Инглиз тилида бу хусусият маълум даражадабор, лекин фақат сўзнинг ўзига хос бўлиб бошқа

сўз билан боғланишда предлоглар ёрдам беради: There are no flies on him – уни алдаш жуда мушкул; to be up with the lark – эрта сахарда уйғонмоқ кабилар. Тиллардаги морфологик универсалияга кўра, агар тилда предлог бўлса, кўшимчалар кам қўлланилади, аксинча предлог бўлмаса, кўшимчалар кўп қўлланилади [Croft 2003.: 253-254]. Бу универсалия фразеологизмларнинг таркибидаги компонентларини бир-бирига боғлашда ҳам кузатилади.

I боб юзасидан қисқа хулосалар

ЗКФБларнинг структуравий хусусиятлари ва уларнинг грамматик табиатини ўрганиб, аввало ФБларнинг компонентларини ташкил этувчи зоонимик денотатларга эътибор бериш лозим. Зоонимик лексикани ўрганиш объекти хилма-хил бўлиб, у кўплаб олимлар томонидан турли нуктаи назардан тадқиқ қилинган. Фразеологик зоонимлар маълум тил эгаси бўлган ҳар бир халқнинг маънавий маданияти, урф-одати, касби, яшаш тарзи, интилиши, воқеликка муносабати билан узвий боғлиқдир. Халқ оғзаки ижоди намуналарида қўлланилган тил структуралари, шу жумладан, ФБларда кишилар ўртасидаги жамиятдаги муносабатлар, ўзаро зиддиятлар, ижобий ёки салбий ҳолатларни нутқда акс эттириш, фикрларни соддароқ, ойдинроқ, таъсирчан қилиб ифодалаш мақсадида ҳайвонларни билдирувчи лексик қатламдан фойдаланилади. Зоонимик лексикани «уй ҳайвонлари», «ёввойи ҳайвонлар», «қушлар», «паррандалар», «судралиб юрувчилар» каби гуруҳларга ажратилади. Шунини таъкидлаш жоизки, зоонимлар қайси тилда ўрганилган бўлмасин, алоҳида бир янгиликни, қизиқарли, муҳим хулосаларни келтириб чиқаради.

Ушбу бобда ЗКФБларнинг грамматик табиати таҳлил қилинди ва улар: отли, феълли, сифатли, равишли, ҳамда ундов ФБларга ажратилди. Натижада отли ЗКФБ 420 та – 42 % ни, феълли ЗКФБ 384 та – 38,4 % ни, сифатли ЗКФБ

160 та – 16% ни, равишли ЗКФБ 16 та – 1,6 % ни, ундов ЗКФБлар 20 та – 2% ни ташкил этди. Юқорида келтирилган мисолларда ҳар бир зоонимик фразеологизмлар муайян нутқ шароитида (бу ўринда матнда) ўз маъносини ифода этади. Қизиғи шундаки, бир зоонимик фразеологизм турли нутқ шароитида ҳар хил маънода қўлланилади. Масалан: hot dog, cold turkey кабилар. Бироқ зоонимик фразеологизмларнинг бирор компоненти ўзгарса, уларнинг маъноси ҳам бутунлай ўзгариб кетади. Масалан: bell the cat, whip the cat кабилар ЗКФБларнинг ичида феъл компонентли бирликлар нисбатан фаол иштирок этади.

Айрим феълнинг ўзи бир неча бирликларда келган ва улар турли хил компонентлар билан бирикканлигидан қатъий назар, бир хил маънони англатади, бундай бирликлар синонимик алоқада бўла олади. Масалан: to take the bull by the horns ⇔ to take the bear by the tooth.

Бу икки бирикмада to take феъли ишлатилган бўлиб, «бирор-бир мақсад йўлида ўзини хавф-хатарга қўймоқ» деган маънони англатади. Бундай мисоллар кўпчиликни ташкил этади:

See the loins ⇔ see the elephants

Show the lions ⇔ show the elephants

ЗКФБларнинг компонентлари таркиби хилма-хилдир. Ушбу таҳлилда ЗКФБларнинг нечта маъно англатувчи сўз туркумидан тузилганлигига қараб, қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

- икки компонентли ЗКФБлар – 550 тани;

- уч компонентли ЗКФБлар – 250 тани;

- тўрт компонентли ЗКФБлар – 170 тани;

- беш компонентли ЗКФБлар – 30 тани ва кўп компонентли ФБлар таҳлилда кўпчиликни ташкил этган.

Икки компонентли ЗКФБлар: noun + noun, adjective + noun, verb + noun, conjunction + noun, noun + preposition + noun структуравий моделларига эга.

Уч компонентли ЗКФБлар: verb + adjective + noun, verb + noun + noun,

verb + conjunction + noun, adjective + noun + noun, verb + pronoun + noun, noun + pronoun + noun структуравий моделларига эга.

Тўрт компонентли ЗКФБлар: verb + pronoun + noun + preposition, adjective + noun + preposition + noun, noun + preposition + noun + noun, verb + conjunction + adjective + noun, verb + conjunction + participle + noun, verb + preposition + pronoun + noun, verb + preposition + adjective + noun, adjective + noun + verb + pronoun, verb + noun + noun + participle I структуравий моделларига эга.

Кўп компонентли ЗКФБлар: conj + noun + prep + adjec + noun, verb + prep + noun + verb + noun, verb + noun + prep + pron + noun, non + conj + verb + adj + noun структуравий моделларига эга.

Таҳлил натижаларига кўра тўрт компонентли ЗКФБлар энг кўп структуравий моделга эга бўлиб, тўққиз хилни ташкил этади. Демак, ибораларнинг, шунингдек, ЗКФБларнинг лексик таркиби хилма-хил бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда зоонимик фразеологизмларнинг грамматик курилишини ҳам эътиборга олиш лозим, чунки уларнинг гапда қандай вазифани бажариши компонентларнинг турли сўз туркумлари орқали ифодаланиши билан боғлиқдир.

Тадқиқотимиз натижасида ЗКФБлар лексик таркиби, грамматик жиҳатдан морфологик компоненти ва сўзларнинг синтактик боғланиши, семантик белгилари билан устувор эканлиги аниқланди. ЗКФБларнинг умумий хусусияти уларнинг комонентлари алоҳида ҳолда бир-бири билан боғлана олишида кузатилди. Уларнинг турғун бирикмалар сифатида кўп қўлланилиши тилнинг таъсир кучини оширишга хизмат қилади.

II. БОБ. ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

2.1. Фразеологик бирликларнинг когнитив аспекти

Мазкур тадқиқотда ЗКФБларнинг семантик моҳиятини таҳлил қилишда когнитив тилшунослик тушунчалари тизимидан фойдаланилди. Чунки ҳозирда айрим тадқиқотчилар томонидан когнитив тилшунослик генератив тилшуносликдан сўнг яратилган "Илмий парадигма" [Т. Кун атамаси] деб қаралмоқда ва бу айниқса семантика соҳасида қўл келмоқда.

Когнитив ёндашув – бу тил воқеа-ҳодисаларини билиш назарияси ёрдамида изоҳлаб бериш усуллари билан биридир [Сафаров 2006.:16-17]. Ҳозирги замон тилшунослигида когнитив йўналиш лексик-семантик йўсиндаги таҳлиллар билан ҳамбарчас боғланган бўлиб, унда тил умумий когнитив механизм бўлиши билан бирга когнитив қурол тарзида ахборотнинг тақдиротини, қод ёрдамида узатиш ва ўзгартириш вазифасини бажарувчи белгилар тизимидир.

Когнитив тилшуносликда инсонга хос бўлган когнитив тузилма ва усуллар ёрдамида ахборотни тўлиқ эгаллаб олиш механизмлари ўрганилади. ЗКФБларнинг матндаги функциясини таҳлил қилишда функционал ва когнитив ёндашувлар қўлланиладики, улар ЗКФБлар томонидан ифода этилган тушунчаларнинг борлиқ ҳақидаги билим ва тасаввурларни тақдим этишга хизмат қилади.

Когнитив тилшуносликнинг яна бир вазифаси ЗКФБларнинг миллий, маданий ва лисоний томонларини чуқур тадқиқ қилишдир. Бу эса тил структурасидаги когнитив, яъни онгли билиш билан алоқадор бўлган муаммоларни ёритишни тақозо этади. Тилнинг бирор нарса ҳақида маълумот бериши унинг коммуникатив вазифаси билан ҳамбарчас боғлиқдир. ЗКФБлар нутқни ранг-баранг қилишда, унинг экспрессивлигини оширишда катта хизмат қилади. ЗКФБлар нутқда қўлланганда улар томонидан ифода этилаётган маъно умумий маънонинг оддий семаси бўлмайди. Масалан: a tame cat – фразеологик бирлиги томонидан ифодаланаётган референциал маъно – “уй қизи”

тушунчасини билиш учун бизга бу ибора ишлатилган контекстни, ҳар иккала компонентнинг семантик структурасини билишимиз камлик қилади. Бу ерда шу тилда сўзлашувчи одамлар онг оқими, фикрлаш стандартлари ва дунёни, борликни тил унсурлари ёрдамида ифода этиш хусусиятларидан хабардор бўлишимиз керак, чунки ФБларнинг лексик-семантик таҳлили бизга кўп нарса бера олмайди. Ҳар бир тил ҳодисасининг табиатини тушуниш учун унда сўзлашувчиларнинг борликни билиш ва уни ўз онгида «пишириб» тингловчига узатиши қандай бўлишини ўрганиш лозим. Бу ўринда "tame cat" ва "уй қизи" ибораларини яқинлаштирувчи нарса ЗКФБ билан номланган шахс характеридаги асосий белгидир, яъни ундан "катта бир ўзгаришни бошидан кечирган, ўзи учун нотабиий бўлган шароитга кўнишга мажбур бўлган шахс", маъноси англашилиб, бу ерда у асосан эркак жинсига мансуб шахсларга нисбатан ишлатилади. Ўзбекларда ҳам "уй қизи" ибораси баъзан эркакларга нисбатан киноя тарзида ишлатилади, лекин унинг ўзбек тилидаги ифодасида ҳайвон номи ишлатилмайди. Бунинг сабаби шундаки, инглизлардан фарқли ўлароқ, ўзбекларда ит ва мушук каби ҳайвонлар уй ҳайвонлари ҳисобланса-да, улар уйнинг ичига киритилмай, кўпроқ ҳовлида умр ўтказадилар. Шунинг учун бу нарса ўзбекларнинг онгига сингиб кетганлиги туфайли улар бирор зарурат туфайли уйгақамалиб қолган, кўчага чиқа олмай қолган шахсга "уй қизи" деб ном қўйганлар. Бу нарсанинг эркакларга нисбатан ишлатилганлигининг сабаби шундаки, тарихда ўзбекларда аёлларнинг умри уйда ўтган ва кўча кўрмаслик улар учун табиий ҳол эди ва, табиийки, уларга нисбатан "уй қизи" иборасини ишлатиш ўринсиз эди. Фақатгина XX асрнинг иккинчи ярмида содир бўлган ижтимоий-иқтисодий шароитнинг ўзгариши, аёлларнинг жамият ҳаётида кенг иштирок этиши, уларнинг "кўчага" олиб чиқилиши мазкур ФБни уларга нисбатан ҳам ишлатилиши мумкинлигига шароит яратди. Инглиз ва ўзбек тилларда «ит» ва «қуш» зооними иштирок этадиган фразеологизмлар шунчалик кўпки, улар луғатларнинг 2-3 бетини ташкил этади [Кунин 1955.: 96-100, Содикова 1989.: 121-123]. Бу бежиз бўлмаса керак. Умуман, инглизлар ва ўзбеклар ит ва қушларни яхши парвариш

киладилар ва уларга озор бермайдилар. Табиийки, ит ва қушларга хос ижобий ва салбий хислатлар инсонга, унинг турмуши, одоб-ахлоқи ва ҳолатига тил ёрдамида кўчирилади, ўхшатилади ёки метофоризация қилинади. Бу ФБлар анча кучли образли бўлгани учун инсон ҳиссиётига катта таъсир қилади ва унинг онгида муҳрланиб қолади. Бу хусусият масалага когнитив аспектда ёндашиш натижасидир. Инсон онгида сақланиб қолган ибора мулоқот жараёнида яна бошқа маъноларига, синоним ва антонимларига эга бўлиб қолади. Когнитив жиҳатдан ахборот эса сақланиши учун унинг фреймини, яъни уни тушуниб хис қилиш ва нутқда қўллаш жиҳатларини яратиш зарур. Шундагина бу ахборот аввалги ва кейинги ахборотларга боғлиқ равишда қаралиб, унинг структураси ва жараёни ҳақида етарли маълумотга эга бўлинади [Т.А. ван Дейк 1989.: 21].

Д.Кристал кўрсатишича, Англиянинг биографик жиҳатдан қулайлиги ҳайвонлар, балиқлар, қушлар, ҳашоротлар, ўсимликлар, дарахтлар, ҳарсанг тошлар ва бошқаларнинг номларини ифодаловчи жуда кўп сўзларни яратишга имкон берган [Crystal 2003.: 146].

Фразеологик бирликларнинг ҳар бир халқ учун ўзига хослиги, шу халқ маданияти, ҳаёти, урф-одати ва психологияси билан боғлиқлигини ҳисобга олиб, Д.Кристал уларни «миллий идиомалар» («national idioms») деб атади [Crystal 2003.: 187].

Инглиз тилида a dull dog ибораси "зерикарли шахс"га нисбатан айтилади. Бу ЗКФБнинг яратилишига сабаб: 1) итларнинг гапира олмаслиги; 2) гапирмай турган, «ичимдагини топ»- дейдиган писмиқ, индамас, ва асл мақсадини билиш оғир бўлган одамни англатади. Бундан ташқари, айрим пайтларда бу ЗКФБ ўзининг тўғри, луғавий маъносида ҳам ишлатилиши мумкин. Бу ҳолда бу ибора ҳеч қандай иши-машғулоти йўқ, зерикишдан эснаб ётган итни билдириши мумкин. Худди шу маънода ўзбек оғзаки сўзлашув тилидаги "итдан баттар зерикмоқ" ЗКФБни эслаш кифоя. ЗКФБларнинг ишлатилишига қараб у ёки бу тилда сўзлашувчи халқларнинг тафаккури, ҳаётий тажрибалари, яшаш шароитлари ва урф-одатлари, қисқаси, ҳаётга, борлиққа муносабатини билиш

мумкин. Масалан: see the elephant ибораси ўзбекларда ёки эскимосларда ҳеч қачон пайдо бўлмасди, чунки улар бу ҳайвон билан ҳеч қачон дуч келмаган. Бу иборанинг инглиз тилида пайдо бўлишига эса инглизларнинг дунё кезиши, турли қитъаларга бориши, Африка ва Ҳиндистонни забт этиши, ўша ерларда мана шу ҳайвонни учратишлари сабаб бўлди. Шу боис бу ибора "ҳаёт тажрибасини олмоқ" деган маънони билдиради. Ўзбек тилида бу ўринда *тихи қайрилган* ФБ ишлатиладики, бу ҳам бевосита парранда, яъни хўрозга алоқадор ЗКФБ ҳисобланади. Бу ФБ эса, ўзбек реалиясини акс эттирувчи ФБ бўлиб, бу нарсанинг келиб чиқиши ўзбек халқига хос бўлган хўроз уриштириш билан алоқадордир.

Инглиз тилида "put somebody's monkey up" бирлиги "кимнингдир жаҳлиничиқармоқ" маъносини билдиради, ўзбек тилида эса, бу маънони билдирувчи бошқа бир ибора бор. Бу ибора - *кимнингдир арпасини хом ўрмоқ* бўлиб, бу ерда зооним компоненти йўқ; унинг ўрнида ўсимлик *арпа* компоненти мавжуд. Бу эса ўзбек халқининг азал-азалдан дехқончилик билан шуғулланиб келган халқ эканлигидан далолат беради.

Инглиз тилидаги "to beat a dead horse" ФБнинг маъноси "бекорчи иш билан шуғулланмоқ" бўлиб, бу ФБнинг денотатив маъноси, яъни у билдираётган тушунча-концепт "ўлик отни саваламоқ" ростдан ҳам бефойда иш бўлиб, фақатгина ўта бекорчи, нима қилишини билмаган одамгина бу иш билан шуғулланиши мумкин. Ўзбек тилида эса бу тушунчани билдирувчи ЗКФБ мавжуд бўлиб у *иш топа олмаган ит суғорибди* тарзидаифодаланган ЗКФБдир. Бу иборанинг маъноси "бутунлай кераксиз иш билан шуғулланмоқ" бўлиб, тарихда ўзбекларда итни боғлаб боқиш одати бўлмаган ва ит доимо боғланмаган ҳолда ҳовлида эркин юраверган ва чанқаган пайтида унинг ўзи сувни топиб ичиб олаверган. Ҳеч кимнинг ҳаёлига бирор бир итни суғориш ҳақидаги фикр умуман келмаган. Бу эса тилнинг миллат урф-одати, ҳаётига доир тушунчаларни онгли белгилаш ва уларни тил birlikлари ёрдамида ифодаланишни ўрганиш жуда муҳим эканлигини билдиради. Бу муаммо когнитив тилшуносликнинг объекти ҳисобланади.

2.2. Фразеологик бирликлар семантик структурасининг компонент таҳлили

Инглиз тилидаги қуйидаги зооним сўзлар рўйхатини кўриб чиқайлик:

- а) man(эркак) – woman(аёл) – child(бола);
- б) bull (буқа) – cow (сигир) – calf (бузоқ);
- в) rooster (хўроз) – hen (товуқ) – chicken (жўжа);
- г) drake (ўрдак) – duck (мода ўрдак) – duckling (ўрдакча);
- д) stallion (айғир) – mare (бия) – foal – той;
- е) ram (қўчқор) – ewe (совлик) – lamb, (қўзи).

Бу қаторда берилган сўзларни қуйидаги пропорция шаклида ифодалашимиз мумкин:

man–woman–child

bull – cow – calf

Бу ерда man ва bull, woman ва cow, ва child ва calf сўзларини семантик жиҳатдан умумлаштириб турган семемамавжуд. Мана шу белгига кўра man ва woman ва cow ва calf сўзларини ҳам бир-бирига яқинлаштириб турган маъно – сема деб юритилади. Уни илмий адабиётларда “сема”, “семантик маркер”, “семема”, “семантик категория” деб турлича номланади.

Биз кўпчилик томонидан қабул қилинган атама – «сема» терминини кўллашни лозим топдик. "Сема" терминига М.В. Никитин қуйидаги таърифни беради: "Сема–компонентзначения, не имеющий собственного показателя в структуре данного знака и выявляемый реалационно из сравнения со значениями других, соотносимых с ним знаков" [Никитин 1983.:122].

Man: woman, bull: cow пропорциясида қуйидаги семантик компонентлар ёки семаларни топамиз.

Сўзлар таркибида учраган семаларни умумлаштирган ҳолда биз қуйидаги шаклда ёзишимиз мумкин:

Man	woman	child
+ animate	+ animate	+ animate
+ person	+ person	+ person
+ male	– male	– male
+ adult	+ adult	– adult
Bull	cow	calf
+ animate	+ animate	+ animate
– person	– person	– person
– male	– male	+ male
+ adult	+ adult	– adult

Ҳар бир сўзнинг сема таркиби турличадир, яъни компонент таҳлили ҳар бир ҳолатда ўзига хос сема йиғиндисидан иборат. Бу эса мана шу сўзлар ўртасидаги лексик маънони турлича беришни таъминлайди. Аммо шу билан бирга айрим семаларнинг бошқа сўзларда такрорланаётганлигини ва айримларининг фақатгина у ёки бу сўзларда учрашини билишимиз мумкин [Лайонз 1978.: 496, 503-504].

Қаторнинг барчасида учрайдиган сема интеграл сема деб юритилади. Бу қаторнинг интеграл семаси (+animal) семаси бўлиб, барча отларнинг жонли мавжудотни билдиришини кўрсатади. Қолган барча семалар фарқловчи сема ҳисобланади ва улар бир сўзнинг иккинчисидан маъно жиҳатдан фарқланишига хизмат қилади [Никитин, 1983:27-29].

ЗКФБларнинг функционал ва когнитив хусусиятларини таҳлил этиш учун улар ҳосил бўлишида зооним семантик структурасини ташкил этувчи семалардан қайси бири актуализацияга учраши ёки фаоллашаётганини аниқлаш муҳимдир. Бу масалани ҳал этиш учун оддий зоонимлар лексик маъноларининг сема таркибини таҳлил қилиб чиқиш, ҳар бир зоонимнинг сема таркибини атрофлича ўрганиш ва бу лексик қаторни ташкил этувчи компонентларни бошқа бир зоонимнинг сема таркибига қиёслаш ва бу ердага умумий ва хусусий, интеграл ва фарқловчи семаларни аниқлаб чиқишимиз керак бўлади.

Буни амалга ошириш учун биз Оксфорд инглиз тили луғати, инглиз тили Америка вариантининг Уэбстер луғати, Чемберс луғати, Коллинз луғати, Лонгмен инглиз тили луғати, Хорнби луғати, Рендом Хаус луғати ва бошқа қатор изоҳли луғатлар сўзликларини атрофлича ўрганиб чиқдик ва қуйидаги семаларни зоонимларнинг семантик структурасини ташкил этувчи интеграл семалар сифатида белгиладик:

Industrious, brave, greedy, stupid, obstinate, cunning, important, light-minded.

Бу сўзларнинг ҳаммасига тегишли бўлган семалар (+animal), (+male), (+adult),(+hairy), (+catable) кабилар ҳам борки, улар юқоридаги гуруҳларнинг ҳар бирига тегишли бўлгани учун уларни архисемалар сифатида қабул қила оламиз. Юқоридаги саккизта интеграл семалар ўз навбатида қаторни фарқловчи семаларга бўлинади. Биз юқорида келтирилган саккизта интеграл семанинг зоонимларда мавжудлигини текшириш мақсадида қирққа яқин зоонимнинг семантик структурасини ўрганиб чиқдик.

Ҳар бир интеграл сема бир қанча фарқловчи семалардан ташкил топган. Фарқловчи семалар сони биттадан бештагача боради. Айрим ҳолатларда бир сема бирор зоонимда бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, snake сўзига нисбатан (+male) семаси ёки lamb ҳамда wolf сўзларига нисбатан (male) семаси. Бундай ҳолатларда жадвалда (+) белгиси асосида ифодаланди. Бу каби ҳолатлар айрим ўринлардагина берилган бўлиб, зоонимда бу белгининг бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин бўлган ҳолатларда қўлланилган.

Бу таҳлил натижаси 2.1-жадвалда берилди.

2.1-жадвал

**Зоонимлар семантик структурасида интеграл семаларнинг
мавжудлиги**




		Industrious	Brave	Greedy	Stupid	Obstinate	Cunning	Important	Light-minded
	Ant	+							





	Bee	+							
	Beaver	+							
	Bird						+		+
	Bull				+	+			
	Bear		+			+		+	
	Cat		+				+	+	+
	Cock		+					+	
	Cow			+	+				
	Camel					+			
	Donkey	+			+	+			
	Dog		+	+			+		
	Ewe				+				
	Fox						+		
	Goat				+				
	Hawk			+				+	
	Horse	+				+		+	
	Hen	+							
	Lion		+					+	
	Monkey						+		+
	Mulk	+				+			
	Ox		+		+				
	Pig					+		+	
	Sheep				+				
	Snake						+		
	Tiger			+				+	
	Whale	+						+	
	Wolf			+					

Dog зооними катта ҳам, кичик ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун (+large) семаси бу сўз учун асосий эмас, балки факультатив сема бўлиб хизмат қилади.

Бу зоонимлар қаторида архисема бўлиб (+animal), (+hairy), (+large), (+adult) хизмат қилади, чунки улар бу семантик гуруҳнинг кўпчилигида мавжуд ва уларни умумлаштирувчи сема бўлиб хизмат қилади.

Қуйида зоонимлар қаторида семантик структураси таркибига кирувчи интеграл семаларнинг фарқловчи семаларга бўлиниши схемасини берамиз:





Жадвалдан кўринадикки, bird сўзи биринчи фарқловчи семага эга бўлиб, шу билан у flivolas дан фарқланади. Еведа эса фақат интеграл сема мавжуд бўлиб, у фарқловчи семага эга эмас.

ЗКФБлар семантик структурасини таҳлил қилишнинг иккинчи босқичи эса, ЗКФБлар томонидан ифода қилинган маъно турларини сема таркиби бўйича таҳлил қилишдир. Бу ўринда кузатилган семалар зоонимларнинг семантик структурасидаги семалар таркибидан бир оз фарқ қилади. Бу нарса табиийдир, чунки ФБ нинг семантик структураси сўзнинг семантик структурасидан фарқ қилади. Шунинг учун ЗКФБларда мавжуд семалар таркиби зоонимлар семантик структурасида мавжуд семалардан микдор жиҳатдан озроқдир. Бу семаларқуйидагилардир:

1. Айёр, ваҳший (cunning predator).
2. Содда, гўл (dupe).
3. Эркак, йигит (man).
4. Аёл (woman, lady) (positive value).
5. Аёл (negative value).
6. Гуруҳ вакили (a member of the group).
7. Конкрет нарса (concrete).
8. Асбоб-ускуна (foal).
9. Хусусий сифатлаш (speacific property).
10. Салбий маъно (negative).
11. Қайта номлаш (renaming).

Ушбу семаларнинг ЗКФБларда учрашини таҳлил қилиш учун ЗКФБлар таркибига кирган 20 га яқин зооним асосида ФБлар ифода этган маъноларни атрофлича ўрганиб чиқдик. Таҳлил натижалари 2.2-жадвалда ўз аксини топди.

Кўриниб турибдики, оддий зоонимлар сема таркибидан анча фарқ қилади, яъни биринчи рўйхатда сифатловчи, изоҳловчи, умумлаштирувчи, гуруҳловчи, жамловчи семалар кўпчиликни ташкил этган бўлса, бу рўйхатда

кўпроқ семалар хусусийлаштирувчи, алоҳида белгисини бўрттирувчи, аниқлаштирувчи, ижобий ёки салбий маъно берувчи, эмоционал-экспрессив маъно олиб кирувчи турларга эга.

2.2-жадвал

ЗКФБлар таркибидаги зоонимларнинг ифода қилган сема турлари

	ЗКФБлар таркибидаги зооним	Ифода қилинган сема турлари										
		Ваҳший, айёр	Содда, гўл	Эркак, йиғит	Аёл (ижобий)	Аёл (салбий)	Гурухвакили	Конкрет маъно	Асбоб-ускуна	Хусусий сифатлаш маъноси	Салбий маъно	Қайта номлаш
1	Bear	-	-	+	-	-	+	+	+	-	+	-
2	Bird	-	+	+	+	+	+	+	+	+	-	-
3	Cat	-	-	+	+	+	+	+	+	+	-	-
4	Cock	-	-	+	-	-	+	+	+	+	-	-
5	Cow	-	-	+	-	-	+	+	-	-	-	-
6	Dog	-	+	+	-	-	+	+	+	-	+	-
7	Donkey	-	+	+	-	-	+	-	+	-	+	-
8	Fox	+	-	+	+	-	+	-	+	+	+	-
9	Goose	-	+	-	+	+	+	+	+	+	+	-
10	Horse	-	-	+	-	-	+	+	+	+	-	-
11	Hen	-	+	-	+	+	-	-	-	+	-	-
12	Lion	-	-	+	-	-	+	+	-	+	+	+
13	Lamb	-	+	+	-	-	-	+	-	-	-	-
14	Monkey	-	+	+	-	-	+	+	+	+	-	-
15	Mouse	-	-	+	+	-	+	+	-	-	-	+
16	Pig	-	-	+	+	+	+	+	+	-	+	-
17	Wolf	+	-	+	-	-	+	+	-	+	+	-

Биринчи гуруҳдаги семаларни изоҳловчи семалар ва иккинчи гуруҳдаги семаларни эса баҳоловчи семалар деб аташ мумкин.

Қуйида эса фразеологик бирлик таркибида турли ҳаракат натижасида пайдо бўладиган мураккаб семалар йиғиндиси қайд қилинган: to act cunningly, to act as a predator, to act like a dupe, to act like a man, to act like a prostitute, to act like a lady, to act clumsily, to have a specific property, to demonstrate a negative attitude, to name smb in a new way, to act like in the experiment, to defeat one's expectancy, to act in a wrong way.

Мазкур диссертацияда ФБ таркибига кирувчи сўзларнинг маънолари йиғиндиси, яъни ФБ таркибига кирувчи сўзлар семантик структурасига кирувчи семалар йиғиндисини ҳозирги замон когнитив тилшунослигида қабул қилинган интенционал термини билан атаймиз. Масалан: "be no chicken" ФБда интенционал (+adult), (+bird), (+domestic), яъни "вояга етмаган жўжа эмас" маъносини билдиради. "Ёш бўлмаслик, ҳаётини тажрибага эга бўлганлик" тушунчаси эса импликационални ташкил этади. [Т.А. ван Дейк, В.Кинч 1988.:165]

Импликационал деб ҳозирги замон тилшунослигида қабул қилинган мантикий-дедуктив тушунча таърифини қабул қиламиз [Никитин 1983.: 80]. Бу семалар асосида ЗКФБларни таҳлил қилиш учун қуйидаги таҳлилларни амалга ошириш керак. Бунинг учун ЗКФБлар таркибидаги зоонимнинг маъноларидан қайси бири ФБ таркибида актуаллашгани таҳлил қилинади. Таҳлил изчил амалга оширилса, ҳатто жуда юқори даражада идиоматиклашган ФБларда ҳам зооним компонент семантик структурасининг қандайлигини ва мотивация даражасини аниқлаш мумкин. Қуйидаги ФБлар таҳлилида бунинг кўриши мумкин:

1. Have seen a wolf (тилдан қолмоқ). Бу ерда wolf нинг маъноларидан (+predator) семаси фаоллашган, чунки сайхон очик ерда бўрини кўрган ва унинг ҳамласига қарши ҳимоясиз бўлган ҳар қандай одам кўрқиши ва бунинг оқибатида тилдан қолиши мумкин. Бу ерда мана шу ҳолатнинг натижаси

бўрттирилмоқда.

2. Stare like a stuck pig (хайратдан оғзи очилиб қолмоқ). Бу ерда борлиқдаги ситуацияга нисбатан субъектнинг реакция ҳолати тасвирланмоқда, яъни одам бирор нарсадан қаттиқ хайратга тушса, оғзи очилиб, кўзлари юмалоқ шаклга киради ва ФБда мана шу ҳолат тасвирланмоқда, бу ерда (+dupe) семаси фаоллашган, яъни негатив маъно пайдо қиладиган даражада лол қолмоқ ифодаланмоқда.

3. Play the bear (ўзини кўпол тутмоқ). Бу ерда субъектнинг ҳаракатидаги меъёрдан ортиқча кучли, бошқарилмайдиган, координациясини йўқотган ва бесўнақайлик даражасига етган ҳатти-ҳаракат берилган. Бу ерда бу иш ҳаракат субъекти томонидан атайлаб қилинган бўлиши мумкин, шунинг учун "play" феъли ишлатилмоқда. (negative feature) семаси фаоллашган ҳолатда қўлланилган.

4. One's monkey is up (дарғазаб ҳолда бўлмоқ). Бу ФБда *маймун* семемасининг (+negative feature) (+dupe) семалари актуаллашган, бунинг оқибатида ғазаби чиққанда ўз хулқ-атворини бутунлай ифода қила олмай қоладиган субъект намоён бўлади.

5. Have a wolf by the ears (иложсиз ҳолатда қолмоқ). Бу ФБнинг таркибидаги wolf нинг (+predator) (+negative feature) семалари актуаллашган, натижада агар субъект бўрининг қулоғини кўйиб юборса, нохуш ҳодиса рўй бериши мумкин, шунинг учун ҳам ноиложликдан бўлса-да, субъект бу ҳолатни ўзгартирмай сақлаб қолишга мажбур. Мана шу шароитни ифодалаш аҳволнинг нозик эканлигини, унинг субъект назоратидан бутунлай чиқиб кетиши мумкинлигини билдириш учун ушбу ФБ қўлланилган.

6. That cock won't fight (бу номер ўтмайди). Бу ерда cock сўзининг таркибидаги (+power), (+fast) семалари нейтралзацияга учраб, унинг ўрнига (+timid) семаси актуаллашмоқда, бунинг оқибатида бу хўроз умуман бу ҳолатда урушга ярамайди, чунки урушга кўйилса, мағлубият нақд бўлиши мумкин. Мана шу маъно кенгроқ планда олиб кўрилиб бирор-бир тадбир,

таклиф, режанинг ишга яроқсизлигини билдириш учун қўлланган.

7. What do you expect from a pig but grunt (чўчқадан хуриллашдан бошқа нарса кутиб бўлмайди). Бу ФБнинг кўчма маъноси эса ўзбек тилидаги "Итдан бўлган қурбонликка ярамайди" мақолига тўғри келади, аниқроғи, субъектнинг бирор иш-ҳаракатни бажара олмаслиги аввал бошидан маълум эканлиги ифода этилмоқда. Бу ерда (+dupe), (+negative) маънолари актуаллашмоқда.

8. Are you there with your bears? (Сиз бу ерда ҳам ўша иш билан шуғулланаяпсизми?) Бу ерда субъектнинг аввалдан таниш бўлган бирор салбий хатти-ҳаракатларининг такрорланаётганлигига муносабат билдирилмоқда. *Айиқ* тушунчасини билдирган сўзнинг ФБга киритилишига сабаб эса bears семантик структурасидаги (+large), (+powerful), (+animal) семаларидир.

9. Try it on the dog (янги сахна асарини ўз томошабинларида синаб кўрмоқ). Бу ерда бирор-бир даволаш воситасини одамларда синаб кўришдан олдин итларда синаб кўриш тажрибаси хақида гап бормоқда ва dog сўзи билан маҳаллий томошабин ўз томошабинини, яъни савияси пастроқ, анчамунча камчиликларни сезмайдиган, сезса ҳам, муносабат билдирмайдиган содда томошабин назарда тутилмоқда.

Мисоллар таҳлили шу нарсани кўрсатдики, ЗКФБларда кўп ҳолатларда асосий маъно юкламаси зоонимга эмас, балки феълга тушади ва зооним жуда кўп ҳолатларда ўзининг семантик моҳиятидан узоққа кета олмайди. Фақат феъл қўшилгандагина бирикманинг маъносида мавҳумлашув, идиоматизация кескин кучаяди ва ФБ пайдо бўлади. Бу ҳолатда интенционал ҳолатнинг асосий маъно кўлами жуда катта бўлишига қарамай, улар муайян бир мантиқий-дедуктив тушунча шаклига келиши мумкин ва бунда импликационал ҳолат ҳосил бўлади. Интенционал хусусий ҳолат бўлса, импликационал умумий ҳолатнинг бир кўриниши сифатида намоён бўлади. [Сафаров 2006.:39]

Кўп ҳолларда турли ФБларда интенционал ҳолат турлича бўлса, импликационал ҳолат ҳам унга жуда яқин бўлиши мумкин.

Масалан: to hang the bell about the cat's neck, to bell the cat, to back the wrong horse, to beat a dead horse, to feed the fishes, to kill the goose that laid the golden eggs каби ФБларда интенционал турлича бўлса ҳам, импликационал битта ёки жуда яқин, яъни: to act in a wrong way ёки to act like a dupe ҳолатида бўлади.

Лекин айрим пайтларда импликационал ҳолатда ифода этилаётган тушунча мана шу умумий импликационал ҳолатнинг хусусий бир кўриниши, аниқроғи, субъект томонидан ноихтиёр, ўзи хоҳламай қиладиган иш-ҳаракатни билдириши мумкин. Масалан: feed the fishes да интенционал ҳолат "балиқларни боқмоқ" бўлса, импликационал ҳолат "чўкмоқ"дир. Шу импликационал ҳолатда ифодаланаётган тушунча юқоридаги иш-ҳаракатнинг мантиқий ниҳоясини билдириши мумкин. Табиийки, чўкиб ўлган жонзот, хоҳлайдими-йўқми, балиқларнинг озуқасига айланади. Агар бу бирикмада интенционал ва импликационал ҳолатлар тенг бўлса, идиоматизация содир бўлмайди, ва ФБ ўрнида оддий, эркин сўз бирикмаси ҳосил бўлади. Бу хусусиятни аниқлашда когнитив ёндашув ёрдам берди.

10. All one's geese are swans (ҳамма нарсани бўрттириб гапириш). Бу ФБнинг интенционал ҳолатида бирор одамга тегишли бўлган барча ғозларнинг белгиларини ўзгартирган ҳолда оққуш деб аташи ҳақидаги тушунча бор. Бу хусусий ҳолатдан келиб чиқадиган умумий тушунча-импликационал, яъни ҳамма нарсани бўрттириб кўрсатиш, лофчилик, мақтанчоқлик билан шуғулланишдир. Бу ФБнинг пайдо бўлишига асосий сабаб баҳо берилаётган объектнинг ҳеч қачон унга берилаётган тавсифга мос келмаслигидир. Яъни ғоз ҳеч қачон оққуш бўла олмайди, бу нарсага интенционал ҳолатда йўл қўйилса-да, импликационал ҳолатда бунга йўл қўймайди.

11. Shoot at a pigeon and kill a crow (ҳақиқий мақсадни яширмоқ). Бу

ФБдаги интенционал ҳолатнинг асосий мақсади бажарилган салбий иш ҳаракатга ижобий баҳо бериш, уни бўяб кўрсатиш, тингловчини чалғитишдир. Импликационал ҳолатда эса мана шу ва шу каби маънолардан мантиқий-дедуктив йўл билан яратилган тушунча масаланинг асл мақсадини яширишдир.

Шу тарзда бошқа ФБларни таҳлил қилишимиз мумкинки, улардан қилинадиган хулосалар масалага когнитив семантика ёрдамида ёндашув анча қулай эканлигини тасдиқлайди. ФБларда кузатиладиган идиоматизациянинг пайдо бўлишини аниқлаш, моҳиятини тушуниш ва механизмини очиб бериш учун интенционал ва импликационал ҳолатлар ўртасидаги муносабатларни атрофлича таҳлил қилиш керак. Чунки айрим ЗКФБларнинг кўчма маъноларини аниқлаш бир оз мураккаб бўлади. Масалан, *keep the wolf from the door* бирикмасида "очлик билан курашмоқ" маъноси ифодаланган бўлса, маънонинг кўчиши унга феъл кўшилишидан, яъни ФБ ҳосил бўлгунга қадар пайдо бўлади ва *wolf* компоненти "очлик"нинг маъносини ифодалашида метафоризациянинг иккиламчилиги кузатилади, яъни бирламчи метафоризацияда бўри очликни ифодалаш учун ишлатилган бўлса, иккиламчи метафоризацияда эса, уни «эшикдан қўймаслик» умумийроқ, яъни «қарши курашиш» маъносини беради.

Маъно жиҳатдан юқоридаги ФБга қуйидаги ЗКФБ яқин туради: *"eat like a wolf"* (иштаҳаси карнай бўлмоқ). Бу ерда ҳам бўридаги "очкўзлик, иштаҳаси зўрлик" маъноси сақлаб қолинган. Аммо "очкўзлик" семасига эга бўлган фақат *бўри* семемаси эмас, бу сема *чўчка* сўзининг семантик структурасида ҳам мавжуд. Масалан: *"to eat like a pig"* (очкўзларча емоқ). Бу ерда ҳам ушбу ЗКФБ да асосий эътибор чўчка томонидан бажариладиган ушбу иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилганлигини билдиради. Бу ерда ҳам бу ФБни яшашда иккиламчи метафоризация содир бўлган.

Метафоризация когнитив жараён бўлиб, инсон онги ва маданиятни боғловчи сифатида масалани чуқур билиши учун хизмат қилади. [Маккормак

Эрл. 1990.:360]

Бошқа тилларда, хусусан, рус тилида ҳам зоонимик лексикада метофоризация усулидан борлиқдаги бирор нарса ёки инсонга янги бир қиёсий тавсиф беришда фойдаланилади. [Крейдлин 1990.:125-133]

ЗКФБлар семантикасининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, бу каби ФБларда одам, кимса маъносини билдириш учун кўплаб зоонимлар ишлатилиши мумкин, Масалан: a cat with nine lives (кўп умр кўрадиган одам), a clear dog (аёлли одам), a great lion (машхур одам), a sheep among wolves (вахшийлар орасидаги одам), a willing horse (ҳар нарсага тайёр киши), a slick chick (офатижон), Balaam's ass (юввош эркак), gay bird (хушчақчақ одам), a spring chicken (тажрибасиз киши), old bird (пихи қайрилган одам), cock of the roast (муҳим одам), swan of Avon (эски оҳанглар куйчиси), a sly fish (айёр одам). Бу бирликларнинг пайдо бўлиши гапирувчи томонидан мавжуд семаларнинг қайси бири фаоллаштирилганлигига ва гапирувчи эътиборининг субъектда мавжуд бўлган ҳиссиётлардан қайси бирига қаратилганлигига боғлиқ бўлади.

2.3. Фразеологик бирликлар умумий маъносининг ҳосил бўлишида зоонимларнинг роли

Семасиология доим ривожланиб ва такомиллашибборади. Бу соҳада турли-туман изланишлар, кўпгина янги тушунчалар ва атамалар ўртага ташланди, баъзи тушунча ва терминлар қайта изоҳланди. Ана шундай ҳолни лексикага система сифатида ёндашувни очиб берадиган компонент таҳлил методига доир тушунча ва терминларда ҳам кўрамиз. Масалан, бир қанча изланишлардан кейин лексик маъно таркибидаги семантик компонент учун “сема” термини танланди. У ҳатто универсал термин даражасига кўтарилди, лексик маънога мансуб семантик компонентгина эмас, балки лексик-семантик компонентлар ҳам шу термин билан номланмоқда. [Лайонз

1978.:69]

Компонент таҳлил методидаги бош масала лексик бирликнинг луғавий маъносини семаларга бўлиб ўрганишдир. Лексик бирлик семантик структурасининг асосини семалар ташкил қилади. Сема компонент таҳлил асосида аниқланганидан кейин уларнинг стилистик жиҳатини ўрганиш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Стилистик хусусиятлар лексик бирликнинг семантик табиатини кенгроқ очиб беради, семантик тасниф учун ёрдам беради. Лексик бирликларнинг ўзаро тизимли муносабатлари уларнинг луғавий маънолари асосида мавжуд бўлади. Масалан, тилдаги энг аниқ семантик микросистемани-синонимик уяни белгилашда луғавий маъно ҳал этувчи роль ўйнайди. Ҳар бир туркум доирасида лексик бирликлар, ФБлар ўзаро турлича семантик гуруҳларга бирлашади. Бундай семантик гуруҳларга бирлашиш луғавий маъно асосида, аниқроғи, луғавий маъно таркибидаги сема асосида амалга ошади.

Ю.Д.Апресяннинг ёзишича: «Луғавий бирликларнинг кўп босқичли семантик таснифида оралик ҳолатни эгалловчи сема икки томонлама изоҳ олади: юқори босқичга нисбатан фарқловчи сема ҳолатида бўлса, қуйи босқичга нисбатан интеграл сема ҳолатида бўлади» [Апресян 1975.:148]. Демак, «умумий сема-хусусий сема», «интеграл сема-фарқловчи сема» тушунчалари семалар иерархиясини ўрганиш асосида таклиф этилган.

Масалан, лексемалар орасида руҳий ҳолатни билдирувчи семантик гуруҳ ажратилади: *хурсанд, шод, хуррам, хафа, маюс, хомуш, гамгин, қайғули, хазин, асабий, тажанг* каби. Худди шундай семантик гуруҳ сифат фразеологизмлар орасида ҳам мавжуд: *таъби хира, таъби тирриқ, дили сиёҳ, бағри қон, ичи гаш* каби. “Руҳий ҳолат” дейишнинг ўзидан бундай сифатларнинг «шахсга тегишли» белгисини англаш мумкин. Худди шу “руҳий ҳолат”ни ривожлантирсак, «кайфият» семаси ҳақида гапириш мумкин. «Кайфият» эса, одатда, эмоция билан белгиланади. Организмнинг турли-туман факторларга эмоционал реакцияси ижобий ёки салбий бўлиши

мумкин. Шундан келиб чиқиб, эмоциянинг “ижобий-салбий” семаси ажратилади.

Тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги босқичида дастлаб икки бир-бирига қарама-қарши тенденция – интеграция ва фарқлаш ҳодисалари кузатилади. Улардан бири, яъни интеграция турли хил тил бирликлари орасида умумий маънога қаратилган. Фарқланиш ҳодисаси эса, тил бирликлари семантикасига чуқурроқ кириб бориб, уларнинг алоҳида маъноларини излаб топишга қаратилган бўлиб, у объектни тўла-тўқис англаш ва парчалаб ўрганишни «семантик ва лексик-грамматик майдон»да амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. [Гулыга, Шендельс 1969.: 8-13; Шур 1974.; Кезина 2004.: 79-86]

Аслида компонент таҳлил методи лексика майдонида вужудга келган, лекин ушбу ишда компонент таҳлил тамойилларини ЗКФБларни илмий тадбиқ қилишда фойдаланишга ҳаракат қилдик. Лексик бирликларга алоҳида илмий ёндашувни таклиф этган Е.Курилович сўзнинг маъносида лексик-семантик вариантларни ва қўшимча маъноларни ажратади (бирламчи ва иккиламчи функциялар) [Курилович 1955.:71, 75]. Шунингдек, В.Г. Гак сўзнинг семантик структурасида семанинг иерархиясига этибор беради. Дастлаб, у Б. Потъенинг терминидан фойдаланиб, умумий сема асосида архисемани ажратади. Сўнгра у фарқловчи семалар предметнинг хусусий, ўзига хос томонларини англатишини, шу асосда уларнинг ўхшашлиги ва фарқларини аниқланишини таъкидлаб ўтади. Қуйи босқичда потенциал семалар предметнинг барча томонларини акс эттириб, айрим шароитларда фаоллашади [Гак 1971.]. Инглиз тилидаги "fox" зоонимини шу нуктаи назардан таҳлил қиладиган бўлсак, унинг семантик структурасига қуйидаги лексик-семантик вариантлар (ЛСВ) лар, яъни семалар кирганлигини кўришимиз мумкин:

Fox

- 1) a wild animal of the dog family has red fur and a large bushy tail and is

famous for its cunning;

- 2)(n) , fig–acunning or crafty (of person);
- 3) (a), fig – acunning, sly;
- 4) vt, bluff – try to outwit (smth), fool (smb);
- 5) archaic. A sword;
- 6) slang. A person esp. a woman, who is attractive, esp. sexually attractive;
- 7) an artificial sore;
- 8) in U.S. colleges: A freshman.

Ушбу маънолар Уебстер ва Оксфорд луғатларида кўриб чиқилди. Энди "fox" зооними қатнашган фразеологик бирликларнинг айримларини кўриб чиқамиз:

as cunning as a fox – тулкидек айёр.

Ушбу бирикмада "fox" зоонимининг 3-маъносидаги сема, яъни фарқловчи сема қўлланилган ва бу ерда ўхшатишга асосланган стилистик усулдан фойдаланилган.

Wolf сўзининг Уебстер ва Оксфорд луғатларида берилган асосий маъноларини кўриб чиқайлик:

- 1) either of two carnivorous mammals: canis lupus, of northern regions, or CF rufus of South -western North America, related to any resembling the dogs;
- 2) care: the destructive larva of any various moths, beetles, or flies;
- 3) one that is rapacious, predatory, and fierce;
- 4) slang: a man given to avid amatory pursuit of woman;
- 5) a fierce, cruel, or greedy person;
- 6) a man who flirts aggressively with many woman;
- 7) to eat much food.

Энди "wolf" зооними билан келган ФБларнинг айримлари устида тўхталиб ўтамиз: **the big bad wolf** – хавфли шахс.

Бу иборада икки нарсанинг белгилари, яъни «бўри» ва «хавфли шахс» умумий семалари бўлиб, "cruel" семаси актуаллашган.

You're the big bad wolf so far as this house is concerned. [Gardner]

Cry wolf– ёлғондан ваҳима кўтариш, ишончни йўқотмоқ. Бу иборада Эзоп масалида чўпоннинг ёлғондан “бўри келди!” деб бақириб, одамларни чақириб роҳатланганлигига ишора қилинган. Бу ибора ҳам "wolf" зоонимининг "cruel", "greedy" каби семаларидан келиб чиққан. Қуйидаги мисолга эътибор қаратайлик:

"Come, come now Nissie", he replied in a low tone which could not carry to the scullery, "you're talking about that headache. If you're always crying wolf, wolf" we'll not be believed you when it does come to the bit. [Cronin]

Eat like a wolf– бўридек емоқ, иштаҳаси карнай бўлмоқ, Ушбу иборада "wolf" зоонимининг "greedy" семаси бирикишинатижасидаиборавужудга келган.

Cat сўзининг Уебстер ва Оксфорд луғатларида берилган маъноларини кўриб чиқайлик:

1) carnivorous mammal, domesticated since early times as a catcher of rats, and mice;

2) the fur of a domestic cat;

3) a spiteful or gossiping woman;

4) any person esp. a man;

5) slang: a prostitute;

6) a term used in various games: "cat and trap", "cat in the hole";

7) chief [O.E.D. 1956.: 184; Webster 1957.:229].

Қуйидаги фразеологик ибораларда "cat" зоонимининг семаларини аниқлаймиз:

old cat – қари мушук; ёвуз кампир. Ушбу иборада "cat" зоонимининг “A spiteful or gossiping woman” семаси ифодаланган.

He remembered Rose saying something about her not coming to the canteen any more. It seemed that she did not get on with the women, or something of the sort. Lot of old cats, he said to himself, with a stir of sympathy.

Fat cat– капиталист, «пул халтаси». Бу иборада "cat" зоонимининг "chief" семаси ифодаланган:

In our country when the political bosses want to fill their campaign chest, they put up some rich man for a high office – “a fat cat” they call him- and he pays the bills and gets elected for a term of years. [Sinclair]

Cock сўзининг Уебстер ва Оксфорд изоҳли луғатларда берилган маъноларини кўриб чиқайлик:

- 1) the adult male of the domestic fowl; a rooster (архисема);
- 2) any male bird;
- 3) a leader or chief;
- 4) a faucet or valve by which the flow of a liquid or gas can be regulated;
- 5) the hammer in a fivearm. It's position when ready for firing;
- 6) a tilting or jaunty turning upward;
- 7) a watchman of the night;
- 8) ruling spirit. [O.E.D. 1956: 228: Webster 1957:229].

"Cock" Зоонимининг "ruling spirit" семаси куйидаги 3 та ФБ да ифодаланган:

1. **Cock of the roast** – муҳим шахс

Мисол: The cock of the roast sits aloft like Jupiter on an unshareable seat..... [Henry]

I am cock of the roast around here when it comes to halding this money. [Caldwell]

2. **The cock of the school**– мактабдаги 1-шумтака ёки спорт соҳасида биринчи. Мисол: He was the cock of the school out of doors and the very last boy in [Trackeray]. In the end it made me cock of the school: and as cock I couldn't be mean or childish. [Shaw]

3. **A fighting cock**– жанжалкаш.

Dog сўзининг Уебстер ва Оксфорд изоҳли луғатларда берилган маъноларини таҳлил қилайлик:

- 1) a domesticated, carnivorous mammal;
- 2) any of various other animals of the family Canidae, such as the dingo;
- 3) informal: a fellow;
- 4) slang: an uninteresting, unattractive, or unresponsive person;
- 5) hopelessly inferior product or creation;
- 6) a contemptible, wretched fellow;
- 7) a boy or man, (colloq);
- 8) slang: feet;
- 9) an unsatisfactory thing or unsuccessful venture;
- 10) a dog used for hunting: a hound;
- 11) in distinguishing sex the male of this species. [O.E.D. 1956.: 255-256;

Webster 1957.:430]

"Dog" зооними куйидаги ФБларда қўлланилган: "**a clever dog**" – хушёр, доно; Бу иборада "dog" зоонимининг "a boy or man" семаси акс эттирилган. He's a clever dog, isn't he? "Very clever", admitted the other. [Lewis]

A lame dog– омадсиз, бахтсиз киши. Бу иборада "dog" зоонимининг "hopelessly inferior product or creation" семаси ифодаланган: There's enough junk in this place as it is without cluttering it up with the manuscripts of all the lame dogs you take a fancy to. [Dickens]

Try it on the dog– паст жойда синаб кўрмоқ. Бу ибора театр соҳасидаги жаргон ҳисобланиб, “янги спектаклни маҳаллий томошабинларда синаб кўриш” деган маънони англатади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, "dog" зоонимининг "feet", uninteresting каби семаларидан келиб чиққан ҳолда "try it on the dog" ибораси “янги спектаклни маҳаллий томошабинга кўрсатиб синаб кўрмоқ” деган маънони англатган:

The show's not in shape yet. This Dotworth isn't a real date. I know the place; played it once before, years ago. It's a dud. All we're doing, Miss Trant, is trying it on the dog. [Priestley]

Инглиз тилида «dog-cat-dog» ибораси от сифатида «ўзича яшайдиган,

нима ҳохласа, шуни қиладиган эркин киши» ни билдиради. Бу ибора сифат сифатида «фақат ўзини ўйлайдиган, бошқаларга фойдаси тегмайдиган» кишиларга нисбатан қўлланади: During the California gold rush, men had a dog-eat-dog life [Makkai 1975.: 8].

Bird– сўзининг Вебстер ва Оксфорд изоҳли луғатларда берилган маъноларини кўриб чиқайлик:

1) any member of the class aves, which includes warm-blooded, egg-laying feathered vertebrates with forelimbs modified to form wings;

2) a bird hunted as a game;

3) aerospace slang; A rocket or guided missile;

4) a target, a clay pigeon;

5) the feather –tipped object in playing badminton, a shuttlecock;

6) slang: one who is odd or remarkable;

7) British slang: a young woman;

8) slang: a derisive sound of disapproval or derision;

9) colloq: a person esp. a mildly eccentric one;

10) slang: a rocket or guided missile;

11) a young man, youngster, child, son;

12) a maiden, a girl. [O.E.D. 1956.: 117-118; Webster 1957.:149]

"Bird" зооними кўйидаги фразеологик ибораларда ишлатилган: **dolly bird** – яхшигина, ёшлар жарғонида “кетворган” киз. You think very little dolly bird is Delilah.

Бу иборада "bird" зоонимининг "a young woman" – ёш аёл семаси акс этган.

Give smb the bird – театрда ҳуштак чалмоқ, олқишламоқ. "Well, there's been a bit of calling out o't'back", said Mr Dakroyd. "And that's summat (smth) new to us. Giving bird they call it" [Priestley]. "Bird" зооними семалари орасида "a derisive sound of disapproval or derision" ёқмас товуш билан қувватламаслик ёки рад этмоқ семаси ҳам бор.

Қуйидаги икки иборада "bird" зоонимининг семаси қўлланган бўлиб, «bird» қушга хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган. Масалан:

She couldn't understand why she failed to lose weight when she was, as she said eating **like a bird**.(R.H.D.)

A month later Mr. Ham asked Mrs. Kilmarnock to marry him, and she consented **like a bird**. [Bennett]

An old bird тажрибали, кўпни кўрган киши иборасида "bird" зоонимининг архисемаси қўлланилиб, унда "bird"га нисбатан, яъни унинг жуда эҳтиёткорлиги, айрим “қопқон”лардан эҳтиёт бўлиши назарда тутилиб, унга тажрибали киши қиёсланган ва унда ўхшатиш стилистик усули қўлланилган. Масалан: But capitalism is a tough **old bird**, and it does not die easily. [Foster]

Horse сўзининг Уебстер ва Оксфорд изоҳли луғатларида берилган маъноларини таҳлил қилайлик:

1) a large hoofed animal having a short-haired coat, a long mane, and a long tail, and domesticated since ancient times for riding;

2) mounted soldiers: cavalry;

3) an adult male horse;

4) a supportive frame or device, usually having four legs;

5) a gymnastic device having four legs and an upholstered body used for vaulting and other exercises;

6) slang: heroin;

7) informal: something larger or cruder than the average;

8) a man; a joking, friendly, or insolent term;

9) collog: chess a knight;

10) pony;

11) horsepower;

12) a rope for sail to travel on. [O.E.D. 1956.: 575; Webster 1957.: 149]

Баъзан лексик қиёслашда сўзнинг денотатига қараб иш тутиш

фойдалидир [Юсупов 2007.: 49].

Horse сўзи билан ифодаланган денотат маданийлашган уй ҳайвони ҳисобланиб, у ФБ ларнинг таркибида кўп учрайди. **A dark horse**– у ҳақда ҳеч нарса маълум бўлмаган от... (отчопарда). "A dark horse" ибораси нафақат «машҳур бўлмаган от», балки «танилмаган киши», «танилмаган кандидат» (сайловда) маъноларида ҳам ишлатилади. Масалан:

...the choice lay between David Bennet hill and grover Cleveland with a third man, senator Meentee, as a dark horse. [Dreiser]

Бу икки иборада «horse» зоонимининг архисемаси ифодаланган, чунки «horse» биринчи мисолда dark билан биргакелиб, dark – қоронғу, яъни «нотаниш» маъносини кучайтириб берган. Иккинчи мисолда эса, худи шу ибора кўчма маънода қўлланилиб, «нотаниш номзод» маъносида келган.

Chicken сўзининг Уебстер ва Оксфорд изоҳли луғатларида берилган маъноларини кўриб чиқайлик:

- 1) the common domestic fowl or it's young;
- 2) any of various similar or related birds;
- 3) slang: a young woman;
- 4) afraid: timid.

Биз тўплаган материаллар ичида “chicken” зооними қатнашган куйидаги фразеолог икиборалар учради:

be no chicken – ёш бўлмаслик

Бу ибора Дж. Свифт томонидан қўлланилган. Бу иборада “chicken” зоонимининг “a young woman”(ёшаёл) семаси ифодаланган:

Miss. I swear she's no chicken: she's on the wrong side of thirty.... [Swift]

The eldest Miss Larkins is not a chicken, for the youngest miss Larkins is not that, and the eldest must be three or four years older. [Dickens]

A spring chicken – тажрибасиз киши. Бу иборада “chicken” зоонимининг “young”, “afraid”, “timid” каби семалари назарда тутилган:

“My remotest ancestors are but spring chickens compared with these robed

and stately antiques...” [Twain]

We told him something about her life “I’m no spring chicken, Bunny don’t imagine it”. [Sinclair]

tame as a chicken - хонаки, кўлга ўрганган.

Бу ФБларда "chicken" зоонимининг "afraid", "timid" семалари назарда тутилган. [O.E.D. 1956.: 203; Webster 1957.: 253]

Инглиз тилида chicken болалар тилида сленг сўз сифатида «кўркқок» маъносида қўлланилади: The boy called him chicken. Бу сўздан предлог ёрдамида феъл ясалган: two chicken out, уқаттиқ (жуда) кўркқок маъносида ишлатилади.

Don’t chicken out now. Бу зоонимик иборанинг get cold feet; back out каби синонимлари мавжуд [Lafin 1995.: 13] бўлиб, улар «кўркқанидан совук тер чикқок», «ўзини йўқотиб қўймоқ» маъноларида қўлланади.

Lamb сўзининг Уебстер ва Оксфорд изоҳли луғатларида берилган маънолари қуйидагича:

- 1) a young sheep, especially one not yet weaned;
- 2) the flesh of a young sheep used as meat;
- 3) lamb skin;
- 4) a sweet, mild-mannered person; a dear;
 - 5) a member of Christian flock;
 - 6) a gentle or innocent person, particularly a child;
 - 7) a loved person, dear;
 - 8) a person easily tricked or out witted, as an inexperienced speculator;
 - 9) a young member of a flock;
 - 10) one who is weak, gentle, innocent;
 - 11) a simpleton, one who is cheated; especially one who speculates, loses his money. [O.E.D. 1956.: 663; Webster 1957.: 818]

One's ewe lamb–қадрли хазина, ёлғиз фарзанд. Бу иборада «lamb»

зоонимининг "a loved person", "dear" севимли киши, қадрли инсон каби семалари назарда тутилган. "What is this mysterious discovery you're making arrowsmith? I must know about it... Martin felt that his one ewe lamb was snatched from him but he could see no way to refuse". [Lewis]

Let Mamma keep her Matt, May and Mary too—Nessie was his. He would make something of her, his ewe lamb. [Cronin]

as quiet as a lamb—ЮВВОШ

Бу фразеологик иборада "lamb" зоонимининг "weak", "gentle", "innocent" каби семалари назарда тутилган. Масалан:

"Joe is well enough in his own house", said Shirley. "I have seen him as quiet as a lamb at home". [Bronte]

ЗКФБларнинг семантик таҳлилидан уларнинг айрим семаларининг бир неча зоонимларга хос эканлиги маълум бўлади.

Масалан, industrious (мехнатсеварлик) семаси bee, ant, horse, beaver, mule, hen, donkey каби зоонимларда кузатилади, шу зоонимлар учун industrious интеграл сема бўлиб, уларнинг ҳар қайсисининг алоҳида фарқловчи семалари мавжуд.

II боб юзасидан хулосалар

ЗКФБларнинг компонент таҳлилида ибораларнинг архисемалари, интеграл ва фарқловчи семалари аниқланди. Зоонимик компонентли фразеологик birlikларда қўлланилган семаларни очишда, асосан, инглиз тили британия ва америка изоҳли луғатларидан ва фразеологик луғатлардан фойдаланилди. Ҳозиргизамон тилшунослигида когнитив йўналиш лексик-семантик йўсиндаги таҳлиллар билан чамбарчас боғланган бўлиб, унда тил умумий когнитив механизм бўлиши билан бирга когнитив қурол тарзида ахборотнинг тақдимотини, код ёрдамида узатиш ва ўзгартириш вазифасини бажарувчи белгилар тизими ҳамдир.

Когнитив тилшуносликда инсонга хос бўлган когнитив тузилма ва усуллар ёрдамида ахборотни тўлиқ эгаллаб олиш механизмлари ўрганилади. ЗКФБларнинг матндаги функциясини таҳлил қилишда функционал ва когнитив ёндашувлар қўлланиладики, улар ЗКФБлар томонидан ифодаэтилган тушунчаларнинг борлиқҳақидаги билим ва тасаввурларни тақдим этишга хизмат қилади.

Ушбу бобда ЗКФБларнинг семантик гуруҳланиши ҳамда ФБларнинг ҳосил бўлишида уларнинг тутган ўрни кўриб чиқилди. ЗКФБлар таркибидаги зоонимлар семантик структурасини семалар даражасида ўрганиш жуда муҳимдир, чунки сўзнинг сема компоненти унинг ФБ таркибида ишлатилишни тақозо этади. Худди шу мезонга кўра инглиз тилида *son of a bitch* ибораси бор, аммо *son of a dog* ибораси йўқ.

Мазкур турдаги сўзларнинг семантик таркибида айтилган вақтнинг ўзида сўзга тегишли умумий маъно (интеграл сема) ва худди шу сўзнинг ўзигагина мансуб бўлган фарқловчи сема ифодаланади.

ЗКФБларнинг таркибига кирувчи сўзлар алоҳида ҳолда бошқа турдаги семантик қаторларда иштирок эта олади. Лекин зоонимик сўзларни ўз таркибига кучайтирувчи стилистик маъно бериш учун бириктириб келади. Бу турдаги зоонимлар ўзининг мураккаб таркибли эканлиги билан изоҳланади. Зоонимик компонентли ФБлардаги гипероним ва гипонимларни аниқлаш уларнинг семантик структурасини таҳлил қилишда ёрдам беради. Ҳар бир ҳайвонга тегишли хусусият ва одат бошқа нарсаларга, биринчи навбатда, инсонга кўчирилади. Бу ўринда ҳайвонларнинг умумий номи (*dog*, *cat*, *fox* кабилар) ва уларнинг турлари ўртасидаги семантик муносабат гипероним ва гипонимларни аниқлашда асос бўлади. Одатда семантик таҳлилга кўплаб олимлар томонидан турлича ёндашилади. Айрим олимлар уларнинг зоосемиологиясини ўрганишса, айримлари стилистик жиҳати, ёки ҳосил бўлиши усулларини ўрганадилар. Ушбу тадқиқотда зоонимик ФБлар инсоннинг салбий ёки ижобий хусусиятларини ифодалаши ва бошқа

хусусиятларига кўра семантик жиҳатидан гуруҳланди. ЗКФБларнинг семантик таҳлилидан уларнинг айрим семалари бир неча зоонимларга хос эканлиги маълум бўлади. Масалан, industrious (меҳнатсеварлик) семаси bee, ant, horse, beaver, mule, hen, donkey каби зоонимларда кузатилади, шу зоонимлар учун industrious интеграл сема бўлиб, уларнинг ҳар қайсисининг алоҳида фарқловчи семалари мавжуд. Инглиз тилида инсоннинг турли хил белги-хусусиятларини, яъни унинг ахлоқий, интеллектуал, ижтимоий белгиларини, шахсий характерини англатувчи сўзлар зоонимлар орқали ифодаланади. ЗКФБларни маъносига кўра дастлаб 4 та катта гуруҳга бўламиз:

1. Ижобий маъноли зоонимик компонентли фразеологик бирликлар.
2. Салбий маъноли зоонимик компонентли фразеологик бирликлар
3. Нейтрал (ҳам ижобий, ҳам салбий маънода ишлатилувчи) маъноли зоонимик компонентли фразеологик бирликлар.
4. Шахс ёки предметни тасвирий ном билан таърифловчи зоонимик компонентли фразеологик бирликлар.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, инглиз тилидаги «cat», «dog», «fish» зоонимлари энг кўп қўлланилган денотатлар ҳисобланади.

ЗКФБларнинг архисемалари асосан луғатлардан олинди. Уларнинг интеграл ва дифференциал семалари зоонимларнинг нутқда сўзлашув доирасига кўра белгиланди. Ҳар бир зоонимнинг семалари белгиланиб чиқилгандан сўнг, уларнинг фразеологик бирликлар ўртасидаги тутган ўрни кўрсатиб берилди.

Зоонимик компонентли фразеологизмларнинг инглиз тилида кўплиги ва уларнинг оғзаки ва ёзма нутқда қўлланилиши, ҳар хил ўхшатишлар, метафоралар ва бошқа семантик ва стилистик хусусиятларини ифодалашда ҳам кузатилади.

III. ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ҰЗАРО ПАРАДИГМАТИК АЛОҚАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

3.1. ЗКФБларда полисемия ҳодисаси

Тил бирлиги сифатида ибораларнинг кўпинча грамматик структураси ўрганилади. Ибораларни луғавий бирлик сифатида илмий тадқиқ этиш улардаги парадигматик ва синтагматик алоқаларни анча мукамал очиб беришга хизмат қилади. Фразеологик бирликларнинг дастлаб лексик маъноси ўрганилади, сўнгра уларнинг фразеологик маноларини аниқлаш осонлашади.

Ҳозирги давр тилшунослигида ЗКФБларнинг кўп маъноли, яъни полисемик бўлиши ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Таркибида зоонимик компонент бўлган фразеологизмларнинг ҳосил бўлишида ҳайвон, ҳашарот ёки қушнинг бирор аломатига мос келувчи семантик ва синтактик жиҳатдан боғланган бошқа сўз-компонент билан валентлик алоқага киради. Зоонимик компонент ўзининг аввалги маъносидаги бирор белги ёки хусусиятни сақлаб қолади, лекин ўз маъносини йўқотади. У аввал бир маънога эга бўлган фразеологизм бўлса, кейинча яна бошқа бир маъно касб этади, чунки фразеологизм инсон миясида бошқа бир нарса ёки хусусият билан боғланади. Натижада фразеологизм кўп маъноли бўлиб қолади. Масалан, dog сўзи билан ясалган фразеологизмлар жуда кўп ва полисемантик жиҳатидан ажралиб туради.

Лексемаларнинг муносабатларини, лексемаларни аниқлаш учун уларнинг парадигматик ва синтагматик алоқаларига асосланиш зарур [Crystal 1990.: 238-240]. Шу ҳолатни фразеологизмларни ўрганишга татбиқ этиш мумкин. Парадигматик алоқалар гапнинг маълум ўрнида лексема ёки фразеологизмларнинг муносабатини билишга имкон беради. Синтагматик алоқалар эса, лексема ва фразеологизмларнинг гапнинг турли ўринларидаги муносабатини аниқлашга қаратилган. Бу муносабатларнинг ҳар иккиси бу

бирликларнинг структурал-семантик хусусиятларини ўрганиш учун йўл очади. Структурал-семантик алоқалар фразеологизмларнинг маънолари, компонентларининг семалари ўртасидаги муносабатларни чуқур ўрганишда ёрдам беради.


ЗКФБлардаги кўп маъноликнинг ҳосил бўлишида улар қўлланган контекстнинг аҳамияти каттадир. Умуман, ФБларнинг кўп маънолиги контекст билан шартлангани, яъни контекстга боғлиқлиги эътироф этилган. [Литвин 1984.: 83-85]

ЗКФБлар ичида ҳам ўзаро полисемантик алоқаларга киришувчи иборалар анчагина. Фразеологик полисемияга турли нуқтаи назардан ёндашиш мумкин [Раҳматуллаев, 1966]. Жумладан:

- 1) полисемиянинг миқёси (кўлами);
- 2) бир иборага бирлашувчи фразеологик маъноларнинг миқдори;
- 3) бир иборага бирлашувчи фразеологик маъноларнинг ўзаро муносабати.

Таҳлилдаги ЗКФБлар орасида ҳам икки, уч, тўрт ва беш маъноли бирликлар мавжуд бўлиб, уларнинг айримларини кўриб ўтаемиз. Масалан. "hot dog" ибораси бир йўла уч хил маънони:

1. Иссиқ булочка билан сосиска.
2. Зўр спортсмен.
3. Баракалла! Яхши иш! деган маъноларни англатади. Улар орасидаги муносабатларни мисолларда кўриб чиқамиз.



1. On their evening off they went economically to an imitation Coney Island.., and with grave pleasure they ate hot dogs, pointkingly they rode the scenic railway.

2. ... Alston Mackintosh ... was a real hot dog.

3. The Major could see every unit in the Army using his idea at last ... Hot dog! [Mailer]

Бу учала мисолда ҳам «hot dog» ибораси ижобий маънода келган. Энди икки маъноли фразеологик иборани кўриб чиқайлик.

1. Ғамгин одам }
2. Қувноқ одам } A sad dog

1. King Richard, thanks, noble peer; The cheapest of us is ten groats too dear. What art then?-and how comes then hither. Where no man never comes, but that sad. That brings me food, to make misfortune live? [Shakespeare]

2. He was pleased that she should think he had been a sad dog, and he the conversation so as to make her believe he had all sorts ofromantic to conceal. [Maugham]

Ушбу мисолда “a sad dog” ибораси ҳам ғамгин одамни, ҳам қувноқ одамни билдириб келмоқда. Олдинги мисолимиздаги «hot dog» иборасининг маънолари бири иккинчисидан пайдо бўлган эди, аммо «sad dog» иборасининг маънолари ҳар бири ўзича алоҳида маънога боғланади.

Hot dog I → 2 → 3 →

Sad dog → 1

2

Бундай мисоллар таҳлилдаги ЗКФБларнинг орасида анчагина. Улар ибораларнинг 60% ини ташкил этади.

like a scalded cat 1 → 2

1. куйган мушукдай 2. бўғиқ товуш билан.

1. At the sound of the farmer's voice the young rogue leapt over the fence and was down the roadway like a scalded cat. (E.C.I.)

2. But why should squall like a scalded cat?

You've said often enough that you didn't mind what people said about you.

[Mitchell]

Таҳлил натижаларидан куйидаги хулосага келдик:

1. Полисемия ҳодисаси сўзлардагина эмас, ибораларда ҳам кенг тармоқ ёйган.

2. Полисемантик иборалар иккитадан тортиб тўрттагача (албатта ЗКФБлар ичида) фразеологик маъно англатиб келади. Булар ичида энг кўпи (80%) икки маъноли иборалардир.

3. Бир иборага бирлашувчи фразеологик маъноларнинг муносабати икки хил:

а) бири иккинчисидан пайдо бўлган;

б) ҳар қайси маъно ўзича бир алоҳида маъно англатади.

4. Полисемантик ибораларда фразеологик маъноларнинг ўзгариши грамматик жиҳатларини турли хил бўлиши билан изоҳланади.

Баъзи фразеологик маънолар ҳам грамматик контекстда, ҳам грамматик шаклларга кира олишида фарқланиб туради. Оз бўлса-да, фразеологик маъноларнинг синтактик хосланганлиги жиҳатидан фарқли бўлиши ҳам учрайди.

5. Бир иборага бирлашувчи фразеологик маъноларни турли нуқтаи назардан қиёслаб ўрганиш фразеологик маъноларнинг семантик ҳамда грамматик табиатини чуқурроқ ўрганишга олиб келади. Фразеологик маънони полисемия нуқтаи назаридан текшириш ҳар бир фразеологик маънонинг тилда мустақил луғавий бирлик сифатида ясалишига ишончни янада мустаҳкамлайди.

3.2. Фразеологик бирликларнинг синонимик қаторлари

Иборалар одатда биттадан ортиқ сўздан тузилиб, уларнинг маъноси одатда тасвирий усул билан ифодаланади. Агар синоним иборалар юқоридаги ҳодисаларнинг (тасвирийлик, образлилик, стилистик бўёқдорлик) ҳар бири бўйича ўрганиб чиқилса, бундай ибораларнинг кўпчилигида стилистик бўёқ бўртиб турмаслигини, улар стилистик бўёғи жиҳатидан нейтрал ҳолатга яқинтуришини аниқлаш мумкин. Агар бундай ибора унга синоним сўз билан қиёсланса, ҳар ҳолда иборанинг стилистик бўёғи кучли бўлади. [Раҳматуллаев 1966.: 116]. Одатда синонимия биттадан ортиқ, яъни икки, уч, тўрт ва кўп тил бирлигининг ўзаро маъно муносабати асосида туғилади. Бундай муносабатда қатнашувчи бирликларнинг миқдорини чегаралаб, белгилаб қўйиш мумкин эмас. Иккинчидан, бу тил бирликлари ўз ичида мунтазам бир системани ташкил этади. Шунга кўра, синонимия муносабатида ҳосил бўлувчи тил бирликлари жамланган ҳолда юритилади.

Демак, синонимия муносабатида камида иккита тил бирлиги қатнашади. Булардан бири иккинчисига нисбатан синоним бўлади, барчаси биргаликда синонимик уяни ташкил килади.

Фразеологик синонимия тилнинг бой эканини, тараққиёт даражасини кўрсатиб турувчи ҳодисалардан биридир. Синонимия воситасида нозик маъно кирраларини англатишга, ранг-баранг стилистик бўёқларни ифодалашга эришилади. Синонимлардан бирини танлаб, ишлатиш билан воқеликнинг бир қирраси бўртади. Аслида синонимия туғилиши учун луғавий бирликлар (шунингдек, грамматик бирликлар ҳам) ўзаро маълум тенгликка, бир хилликкагина эмас, балки фарқланишларга ҳам эга бўлиши лозим. Сўз ёки иборани танлаб ишлатишда ҳар гал ана шу фарқланишларни назарда тутишга тўғри келади. Муайян фикр ёки муносабатни билдиришда синонимик уядан ягона, энг мувофиқ сўз ёки иборани танлаб ола билиш талаб этилади. Синонимлардан нутқни равон тузишда, такрордан қочишда,

шунингдек, товуш (талаффуз) ноқулайликларини бартараф қилишда унумли фойдаланилади. Фразеологик синонимларни турли нуқтаи назардан ўрганиб баҳолаш мумкин. Ш. Раҳматуллаев ўзбек тилида [Раҳматуллаев 1966] қуйидаги фразеологик синонимларни фарқлайди:

1. Фразеологик синонимларнинг лексик таркиби.
2. Фразеологик синонимлар асосида ётган образ.
3. Фразеологик синонимларнинг маънода фарқланиши.

Н.Л. Каменецкайте инглиз тилидаги синонимик ФБларнинг махсус луғатини тузган [Каменецкайте 1971.: 8-9]. Бу луғатда берилган ФБлар ўзаро бир хил сўз туркумига мансуб бўлиб, улар бир хил умумий маънога эга, лекин улар стилистик жиҳатдан бўёқдорлиги ёки кўчма маъноси билан фарқланади. Унда синонимик қаторнинг бош синонимик ибораси ажратилиб кўрсатилган ва ўша бош синоним иборанинг доминанти ҳисобланади. Масалан:

Change one's mind

- 1) change one's mind
- 2) think better of it

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бизнинг таҳлилимиздаги зоонимик компонентли ФБлар орасида ҳам ўзаро синонимик алоқаларга киришадиган синонимик қаторлар мавжуд. Бу синонимик қаторлардан ажратиб кўрсатилган birlikлар умумий маънога, яъни кенг маънога эга бўлган birlikлардир. Уларнинг айримлари зоонимик компонентли ибора бўлмасда, биз уларни доминант ибора деб ҳисобладик. Шундай қилиб, синонимик қатордаги ҳар бир иборанинг маъносини мисоллар ёрдамида очиқ беришга ҳаракат қилинди:

A month of Sundays

A very long time — жуда узок вақт

- 1) donkey's years;
- 2) a month of Sundays;

3) till the cows come home.

1. **A month of Sundays** – ҳазил, яъни оғзаки нутққа хос бўлган ибора.

«Жуда узоқ вақт». Бошқа ибораларга нисбатан умумий маънони билдиради. One little rumour about your being a crank would do more to ruin this business than all the plots and stuff that these fool story-writers could think up in a month of Sundays.

2. **Dokey's years** – сленг, чексиз узоқ вақт, бир умр, номаълум узоқ вақт:

I haven't seen her for donkey's years. I'd like to see her again and have a chat about old days. [Maughan]

Those old men, Mr. Keidy says, have been there for donkey's years.

3. **Till the cows come home** – оғзаки нутққа хос, чексиз узоқ вақт, чексизликкача, бир умрга.

Бу ибора XVII-XVIII асрларда Англияда кенг ёйилган бўлиб, кейин эрдан чиқарилиб кетган. Лекин АҚШда сақланиб қолган:

1. Steady Larry! Steady boy! I'm here I'm with you till the cows come home.

2. I've got to go now". She insisted. If you like to wait I'll meet you...about quarter past seven. "Wait? I'd wait for you till the cows come home".

Ушбу синонимик қаторда "A month of Sundays" ибораси доминанта бўлиб келмоқда. Синонимия уясидаги бош сўз ёки иборага доминанта дейилади. (лотинча *dominantis* – ҳукмрон), [Турсунов 1975.: 31]. "A month of Sundays" ибораси юқоридаги мисолда кўриниб турганидек, бошқа ибораларга нисбатан умумийроқ маънони англатмоқда. ўзбек тилида бу иборада “туяни думи ерга текканда; қизил қор ёққанда” деб берилади.

Be hard up

To be in want of money – пулгамуҳтож бўлмоқ

1. Be as poor as a church mouse (rat).

2. Be as poor as Job's turkey.

3. Be hard up.

1. **Be as poor as a church mouse (rat)** – камбағал бўлмоқ, черков сичқонлари каби камбағал бўлмоқ, Америкада оғзаки нутққа хос бўлган ибора. Мисоллар:

"They havent anything, have they?", "No", returned Jessica, "they're poor as church mice"

If I werent as poor as a church rat,I would gladly invest some money in that way....

2. **Be as poor as Job's turkey** – улов каби камбағал бўлмоқ, Библиядаги "The Book of Job"дан олинган бўлиб, Австралияда оғзаки нутққа хос бўлган ибора. Мисоллар:

The Dalmatians... were miserable immigrants -poorer than Job's turkey. [London]

Window of a scotch peer and as poor as Job's turkey.. [Galsworthy]

3. **Be hard up** – оғзаки нутққа хос бўлганиборабўлиб, жуда ҳам пулга мухтож бўлмоқ, “оғиркунгатушмоқ” маъносигаэгадир.

Oh, but we may go to the theatre, you see, Mother, and I think I ought to stand the tickets; he's always hard up; you know. [Galsworthy]

Юқоридаги мисолларимиздан кўриниб турибдики, "be hard up" ибораси доминанта бўлиб ҳисобланмоқда, чунки унинг ўзи бир тийинсиз қолмоқ, банкрот бўлмоқ, қийинчиликнинг охиригаетиб бормоқ, хонавайрон бўлмоқ, оғир аҳволда қолмоқ каби маъноларни билдиради. Ўзбек тилида бу иборани “сичқонлар хасса таянганда” деб бериш мумкин, унинг бошқа бир синоними “пўстакнинг йиртиғи ҳам йўк” иборасидир.

Be one's own enemy

Act contrary to one's own interests – ўзига ўзи ёмонликни раво кўрмоқ.

1. Cook one's own goose.

2. Kill the goose that laid the golden egg.

3. Be one's own enemy.

1. **Cook one's own goose** – оғзаки нутққа хос бұлган ибора – “ўзини йўқ қилмоқ, ўз ҳаётини ўзи йўқ қилмоқ” каби маъноларни англатади.

"Look at this, Helen. They say Max de Winter murdered his first wife. I always did think there was something peculiar about him. I warned that fool of a girl she was making a mistake, but she wouldn't listen to me. Well she's cooked her goose now all right".

2. **Kill the goose that laid golden egg**– шахсий ютуқ келтиривчи манбани йўқ қилмоқ, ўзи турган шохни кесмоқ.

Why you see there's five or six masters who have set themselves again paying wages they have been paying these two years past... And now they come to us and say we're to take less. And we won't. We'll just... see who, will work for them. They'll have killed the goose that laid, them the golden eggs, I reckon. [Galsworthy]

3. **Be one's own enemy**– кенг маънода қўлланиладиган ибора – “ўзига ўзи душман бўлмоқ, ўзига ўзи ёмонликни раво кўрмоқ, ўзига фойда келтиривчи масканни йўқ, қилмоқ” каби маънолари бор.

He is his own worst enemy, you know... We all like a drop to drink, but I fancy that he takes more than most of us.

You are the second son of lord Mullyon; you had too much war; you write poetry; you have nomadic instincts and are your own enemy. [Galsworthy]

Make a mistake

To mistake, error – хато қилмоқ;

1. Back the wrong horse.
2. Get the wrong sow by the ear.
3. Make a mistake.

1. **Back the wrong horse** – хато қилмоқ, нотўғри йўл тутмоқ, нотўғри ишни танламоқ, адашмоқ.

Then Sir Bussy went off at a tangent. "We rich men... we've been backing the wrong horse. We've been afraid of ... all the new things that mean to bust up

affairs. We're new things ourselves".

We're always bet on the wrong horses. Run out of France with the Huguenots, run out of England with the Cavaliers.

Why had she ever gone over her relics, and found those two little litters from him and Edward? And with a laugh she thought: I put my money on the wrong horse. I ought to have backed Edward. [Galsworthy]

Биз кўпинча инглиз тилидаги ЗКФБларни ўзбек тилида берилишида “формал эквивалент”, яъни муқобилини қидиришга ҳаракат қилдик. Ана шу муқобили бора инглиз тилидаги ЗКФБга бутунлай ўхшамайди, чунки бу ўринда формал эквивалент қидирганда, ЗКФБларнинг маъно жиҳатига асосий этиборни қаратдик. Бундай формал эквивалент ёки муқобил вариантни танлаш “семантик таржима” дейилади ва у контекстдаги маъносига кўра асосланади [Natim Munday 2004.: 255]. Ҳақиқатан ҳам фразеологизмларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишда “семантик таржима” тушунчаси ва терминини қўллаш қулайдир. Ана шундай семантик таржимага доир баъзи мисолларни кўрсатиб ўтайлик .

2. **Get the wrong sow by the ear**– адашмоқ, нотўғри хулоса чиқармоқ, бошқа нарсага эришмоқ. а) "What am I to give you my clothers for?" "Because I need them" "And suppose I won't?" "I shall have no choice but to take them".

"You will take them, will you?" he said "You're a very heery cove,... but I can tell you that you've got the wrong sow by the ear this time. Why, man, I'm the Bristol Bustler, nine stone champion..."

3. **Make a mistake** – кенг маънода қўлланилган ибора бўлиб, «хато қилмоқ», “тўсатдан, эҳтиётсизлик туфайли хато қилмоқ”, “бирор нарсани танлашда хато қилмоқ, тушунмовчилик, уқувсизлик туфайли хато қилмоқ” маъноларини билдиради.

He had made one serious mistake that day and he was determined not to, commit another. [Cronin]

Lose one's temper

Become angry – жаҳли чикмок.

1. Get one's Irish monkey up.
2. Lose one's goat.
3. Lose one's temper.

1. **Get one's Irish monkey up** – (сленг) қаттиқ, жаҳли чикмок, ўзидан кетмок.

"Now, don't get your Irish monkey up: he interrupted imperturbably," If anybody knows what you've done, I do, and it's been two men's work.

Hemington could be rather little devil, of course, when her monkey was up [Galsworthy].

Form matters very little when a man's monkey is up [Galsworthy].

...You haven't seen me yet with my monkey up, I tell you, I'm fierce.

2. **Loose one's goat** – оғзаки нутққа хос бўлган ибора «ўзидан кетмок», «тоқати тоқ бўлмок» “сабр косаси тўлмок” каби маъноларни англатади.

Plain clothes man: Now look here. I'm being very patient. But if you stop me in the execution of my duty, I'll summon assistance and you'll both go to the station. Matt: don't lose your goat-I tell you, on my honour, this lady did not annoy me in the least [Galsworthy];

Grandpa has always been that way. A regular lady killer all his life. And now, even though he's a good age, he can't help himself. I don't think it's anything to lose your goat about;

3. **Lose one's temper** – кўп маъноларда қўлланиладиган ибора, «жаҳли чикмок, аччиқланмок», “ўзини йўқотмок”, “ёввойи лашмок”.

Lisa (losing her temper and rising) I'll talk as I like: you're not my teacher now ;

"Don't be like that. Don't lose your temper, I beg you, Scott not here... I'm not losing my temper" ;

What on earth are you talking about? For some reason she flew

into a temper.

Pull the wool over somebody's eyes

Deceive somebody– кимнидир алдамоқ.

1. Catch an old bird with chaff (cheese).
2. Sell somebody a pup.
3. Pull the wool over somebody's eyes.

1. **Catch an old bird with chaff** – осон алдамоқ, осон йўл билан қопқонга туширмоқ.

"What is it that he wants me to do?" "Ah, I think she'd like to tell you that herself", "Come off it, Roy", I said, I'm too old a bird to be caught with chaff spit it out. [Maughan];

The mining companies backing the tributors had got the association cases deferred, horing to get a decision on Cowly which would bind the diggers. The men laughed at the idea. They weren't going to be caught by such stinking cheese.

2. **Sell somebody a pup**– оғзаки нутққа хос бўлган ибора, алдамоқ, кимнидир сотувда алдамоқ, қандайдир арзимас нарсани сотмоқ маъноларига эга.

"Supposing I lend you what's necessary to buy a partnership somewhere? I won't sell you a pup and I'll even send business your way" ;

It's the only part he's half decent in. Take my word for it, it won't be long before they find out they've been sold a pup. He's going to be a flop [Maughan];

3. **Pull the wool over somebody's eyes**–бошқа ибораларга қараганда умумийроқ маънода келади.Унинг“адаштириб кўймоқ”, “алдамоқ”, “ёлғон гапирмоқ”, “тентак қилмоқ”, “довдиратиб кўймоқ” каби маънолари бор.

"You're talking a lot of damned lies", he said roughly,"don't think you can the wool over my eyes like that...»

"...I won't do anything. I've suffered enough, I've beendone down by my bestfriend. I'll stand no more of it...even as he spoke this thought flashed across

Joe's mind and a great surge of elation at his own cleverness came over him. Yes, he was clever, he was an artist; it was marvellous to be standing here pulling the wool over her eyes, laughing at everyone of them. [Cronin]

When the cows come home

never – ҳеч қачон

1. When the cows come home.

2. When pigs fly.

1. **When the cows come home** – оғзаки нутққа хос, “ҳеч қачон”, “туянинг думи ерга текканда” деган маънолари бор.

A: When do you expect him to pay back that debt?

B: When the cows come home

2. **When pigs fly** – оғзаки нутққа хос, “ҳеч қачон” деган маънони англатади.

Annie sniffed. "The day pigs fly – that will be the day".

Eat like a horse

To eat much – кўп емоқ

1. Eat like a horse – отдек кўп овқат емоқ.

2. Eat like a wolf – бўридек кўп овқат емоқ.

3. Eat like a pig – чўчкадек кўп овқат емоқ.

Бу зонимлар иштирокида ясалган қиёсий турдаги фразеологик бирликлар ҳам синоним бўла оладилар;

As greedy as a wolf – бўридек оч

As greedy as a pig – чўчкадек оч

As greedy as a dog – итдек оч

Бу учала фразеологик ибора “очкўз, кўп овқат ейдиган киши”га нисбатан қўлланилади.

1. **Eat like a horse** – оғзаки нутққа хос бўлган ибора. Маъноси: яхши иштаҳа билан ажралиб турмоқ, кўп емоқ.

I can eat like a horse, did you notice? But I can also eat like a fly if I have to.

2. **Eat like a wolf** –оғзаки нутққа хос бўлган ибора: бўри иштаҳаси билан емоқ, очкўзларча емоқ,

Of course she's felling quite well. She's eating like a wolf. [Maugham]

3. **Eat like a pig**– чўчкадек емоқ, очкўзларча емоқ, чапилатиб емоқ.

He watched them eating, and decided that they ate like pigs. [London]

Юқоридаги синонимик қаторда ҳар бир ибора фақат зоонимик компонентлари ҳар хил денотатлардан фойдаланилиши билан фарқ қилса-да, у ҳар қайси иборанинг маъно ўзагида фарқ бор. Масалан, "eat like a horse" ибораси ижобий маънода “кўп емоқ”, «иштаҳаси карнай бўлмоқ»ни англатса, "eat like a wolf" ибораси эса “очкўзларча” “ваҳшийларча кўп емоқ”ни англатади.

Ва ниҳоят "eat like a pig" ибораси «чапилатиб емоқ», «бетартиб емоқ» каби маъноларни англатиб келади. Бундан ташқари "eat like a horse" ибораси ижобиймаънода, "eat like a wolf" ва "eat like a pig" иборалари кўпроқ салбий маънода ишлатилади.

Инглиз тилида the Arabian hird ва the word of wonder ибораларида “феникс, қақнус (афсонанавий қуш, абадий янгиланиб туриш рамзи)” синонимлар бўлиб келади ва баъзан “нодир нарса” маъносини ифодалайди. Бу фрезологизмларнинг компонентлари умумий маънони ифодалайди ва уларнинг маъноси уларнинг яхлит маъносидан келиб чиқади. Бу ўринда инглиз миллатига хос одат, яъни қақнусни – абадий янгиланиб туриш рамзи – деб қараш ифодаланган. Каптар – тинчлик рамзи сифатида байналмилал маънога эга. Рус тилида “медвежий угол” ибораси – “ёмон жиҳозланган жой” маъносини беради. Ўзбек тилида бир ташландиқ бурчак (жой) деб берилади. Лекин рус тилида “Медвежья родина” ибораси “ўтиб бўлмас жой, юриб бўлмас йўл”ни англатади. Рус тилидаги “где наши вороны не летают” ибораси “қадамимиз қаерга етмади” яъни “биз узоқ жойларга ҳам етиб бордик”, “бошқа узоқ ўлкаларда” маъносида қўлланади. (Русча мисоллар олинган манба: [Березович 2004.: 14])

Ушбу кузатишлар зоонимик компонентли фразеологик синонимларнинг кўпинча образлилик даражасида нутқда оз-кўп ишлатилишида фарқ қилишини кўрсатади. Бу ибораларнинг стилистик бўёғида, замонавийлигида, оғзаки нутққа хос синонимига эгаллигида фарқланиш сезиларлидир. Синоним ибораларни уларнинг вариантлари билан аралаштирмаслик керак. Бунинг учун ўзаро синоним ибораларни бир иборанинг вариантларидан ажрата билиш керак. Синоним иборалар таркибида бир компонент аниқ сўз бўлиши мумкин. Аммо бунда бошқа синоним турдаги сўз компонент бўлиб келмаслиги керак. Акс ҳолда бир иборанинг икки вариантыга эга бўламиз. [Ляндо 1962.:258, 285]. Масалан, куйидаги иборалар бир иборанинг вариантларидир:

as quiet as a mouse	}	
very quiet , still,		
as still as a mouse		
flod a dead horse	}	do a useless thing
		exerr oneself in vain
beat a dead horse		

3.3 Фразеологик бирликларда антонимик қаторлар таснифи

Антонимия тил бирликлари орасидаги семантик муносабат асосида белгиланадиган ҳодисалардан бири бўлиб, ибораларда ҳам сўзлардаги даражада учрайди. Антонимияни белгилаш, бир томондан, ибораларнинг луғавий маъносини чуқурроқ англашга олиб келса, иккинчи томондан, полисемияда бир иборанинг маъноларини ўзаро фарқлашда ёрдамлашади, учинчи томондан, синонимларни белгилашда ҳам фойда келтиради. Антонимия нафақат сўзларга, балки ибораларга ҳам хос ҳодиса бўлишига қарамай, бу ҳодиса ибораларда кам ўрганилган.

Антонимларнинг иборалар орасида ҳам борлиги “антоним” терминини кенгроқ тушунишни талаб қилади. Асли антоним деб ўзаро зид маънони англатувчи икки тил бирлиги тушунилади. Шунга кўра ҳодисанинг ўзини антонимия деб юритиш маъкул.


Агар антонимлар сўз бўлса, лексик антонимия деб [Усмонов 1958.: 33, 40], ибора бўлса, фразеологик-антонимия деб, сўз билан ибора бўлса, лексик-фразеологик антонимия деб аташ ўринли. Бу уч турдаги антонимия биргаликда луғавий антонимияни ташкил этади, бунда у грамматик антонимияга қарама-қарши қўйиб номланган бўлади [Раҳматуллаев 1966.:201,204].

Фразеологик антонимияда икки фразеологизмни қиёслаш уларнинг семантик жиҳатдан қарама-қарши белгиларига асосланади [Алехина 1968.:8]. Инглиз тилида А.И. Алехинанинг фразеологик антонимияга бағишланган тадқиқотида зоонимик компонентли фразеологизмлар алоҳида таҳлил қилинмаган. Лекин биз зоонимик компонентли фразеологизмларни тўплаб, уларни махсус ўрганишга ҳаракат қилдик.

Фразеологик антонимияни қуйидаги нуқтаи назарлар бўйича ўрганиш мумкин [Раҳматуллаев, 1966]. Ушбу назария ёрдамида зоонимик компонентли фразеологик бирликларга нисбатан ёндашмоқдамиз.

- А. Иборалардаги синонимия ва фразеологик антонимия.
- Б. Фразеологик антонимия ва ибораларнинг лексик таркиби.
- В. Фразеологик антонимия ва ибораларнинг туркумланиши.
- Г. Фразеологик антонимиянинг миқёси.
- Д. Лексик-фразеологик антонимия.

А. Иборалардаги синонимия ва фразеологик антонимия. Синонимия ва антонимия параллел ҳодисалар бўлиб, бири иккинчисини инкор қилмайди, чекламайди. Шу сабабли ҳар бир антоним иборанинг ўз синоними бўлиши мумкин. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, антоним иборалардан бири бошқа антоним иборага синоним бўла олади. Лекин бу ибораларни ўзаро синоним деб бўлмайди. Демак, антонимлар синонимларнинг маъно фарқларини аниқлашда мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин. [Усмонов 1958.:37]. Бундан ташқари, антонимларнинг синоними бор бўлиши антонимлик муносабатигакиришувчи ибораларнинг миқдорини кўпайтиради. Антоним бўлган ибораларда бири ёки ҳар иккиси ўз синонимига эга бўлиши мумкин. Масалан:



to eat like a bird – ибораси ўзининг иккита антоним иборасига эга бўлмоқда ва унинг икки антоним иборалари ўзаро синонимик алоқага киришганлигини кўришимиз мумкин.

Бу асосларни қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин.

1. She couldn't understand why she failed to loose weight when she was as she said, eating like a bird.


2. I can eat like a horse, did you notice? But I can also eat like a fly if I have to. [Johnson]

Юқоридаги мисолда бир вақтда икки антоним ибора келган, яъни “to

eat like a horse” ва "to eat like a fly". Шуни айтиб ўтиш керакки, "to eat like a fly" ибораси "to eat like a bird" га синонимдир ва улар иккаласи ҳам "to eat like a wolf" иборасига антонимик алоқада бўлмоқда.

3.Of course she's feeling quite well. She's eating like a wolf. [Maugham]

Демак, юқорида айтганимиздек ҳар бир антоним иборанингўз синонимлари бор экан. Бу каби мисоллар таҳлилимизда унчалик кўп эмас. Лекин инглиз тилининг турли изоҳли луғатларини кўрилса, фразеологизмларнинг антонимлари ва синонимлари жуда кўплиги туфайли уларни алоҳида илмий иш мавзуси сифатида чуқур илмий тадқиқот қилиш мумкин.



Бу мисолда эса “**a bird in the bush**” ибораси икки синонимик ибора, яъни “a bird in the hand” ва “a dead bird” иборалари билан антонимик алоқага киришмоқда. Буни унинг нутқда ишлатилишида ҳам кўришимиз мумкин.

He complained to fleur that the book dealt with nothing birds in the bush; it was unpractical. [Galsworthy]

But Butler was not philanthropist. He would have to be approached with a very sizable bird in hand.

It was betting on a dead bird. We had waited nearly a year for a killing like this.

ЗКФБнинг кўп маънолилиги, синонимлари ва антонимларига эгалиги таржима жараёнида қийинчилик туғдиради. Бу қийинчиликни бартараф этиш учун икки тилни қиёслаш жиҳатларидан фойдаланиш, матн тилшунослигини, тилни когнитив лингвистика, психоллингвистика ва социоллингвистика аспектларида ўрганиш талаб қилинади. Таржима назарияси ва амалиётига ана шундай кенг миқёсда ёндашиш “унверсалия” ларни яратишга имкон яратади

Бу иборалар компонентлари ўз муқобили билан ҳеч қандаймаъно муносабатлари ҳосил қилмайди.

But capitalism is a tough old bird and it does not die easily.

We told him something about her life. "I'm no spring chicken. Bunny, don't imagine it".

Бирор бир компоненти бошқа-бошқа сўз бўлган зоонимик компонентли фразеологик антонимлар. Бундай турдаги фразеологик антонимлар анчагина. Жумладан, бизнинг таҳлилимиздаги ЗКФБлар орасида ҳам улар 6 тани ташкил этади. Масалан:

top dog	↔	the under dog
хукмронлик қилувчи томон		бўйсунувчи томон

Бу зоонимик компонентли фразеологик антонимияда "dog" зооними иккала иборада ҳам қатнашган бўлиб, "top" ва «under» сўзлари ўзаро бир-бирлари билан антонимик алоқага киришган.

Do you suppose yourself top dog in this house? Yes, Soames, oh! Then you can go back to France tomorrow. [Galsworthy]

But now Leopold... sided with the industrial workers of the World's... always a good fighter for the under dog as Ernita described him.

Ва ниҳоят, фразеологик антонимларнинг барча компонентлари айти шу сўзларнинг ўзи бўлган фразеологик антонимлар. Бундай турдаги антонимлар озчиликни ташкил этиб, улар ўзаро зид бошқарув асосида боғлангандир. Масалан:

dog eat dog	↔	dog does not eat dog.
одам-одамга душман		қарға - қарғанинг
чангалзор қонуни		кўзини чўқимайди.

Бу антоним иборалар компонентлари деярли бир хил бўлиб улар ўзаро "not" юкламаси орқали алоқага киришмоқдалар.

It was no place for novices it was dog eat dog...

While United States capitalism was expanding internally, the

Г. Фразеологик антонимия миқёси. ЗКФБларнинг алоқага киришиш даражаси синонимик алоқага киришиш даражасидан анча паст. Антонимия тил бирликларининг камроқ қисмигагина хос ҳодисадир. Бундай алоҳида семантик микросистема ҳосил этиш сўзларда ҳам ибораларда ҳам у қадар кўп эмас.

Таҳлилимиздаги ЗКФБларнинг қарийб 35 тасидан 15 таси антонимлик муносабатда қатнашган.

Д. Лексик-фразеологик антонимия. Лексик-фразеологик синонимияда бўлганидек, лексик-фразеологик антонимияни белгилашда ҳам асосий манба бўлиб, унинг компонентларига қараш керак. Ўзаро антоним ибораларнинг маъноси тасвирий йўл билан очилган бўлса, бундай ибораларга лексик антоним топилмайди. Баъзи ҳолларда антоним иборалардан бирининг маъноси тасвирий йўл билан, иккинчисининг маъноси синоним сўз келтириш йўли билан очилади. Масалан:

poor dog, unexperienced ←————→ an old bird, hunting dog
камбағал, омади келмаган киши тажрибали инсон

Лексик-фразеологик турдаги антонимларга бошқа турларга қараганда мисоллар анча кам топилади. Луғатларда ҳам уларнинг жуда кам қисми берилган, уларни матнлардан қидириб топиш зарур. Лексик-фразеологик антонимлар ҳам ҳаётда инсонларга ва воқеаларга ижобий ёки салбий баҳо бериш маносида қўлланадилар.

III боб юзасидан қисқа хулосалар

Бирдан ортиқ маънони англата олиш ибораларнинг кўплаб қисмида учрайди. Таҳлил объектимиздаги ЗКФБлар орасидаги полисемантик ибораларнинг кўпи икки маъноли бўлиб, уч маъноли иборалар ҳам анчагина. Фразеологик полисемияда ҳам худди лексик полисемияда бўлгани каби,

асосий маъно ва ясама маъно фарқ қилинади.

Бир иборага бирлашувчи фразеологик маъноларни турли нуқтаи назардан қиёслаб ўрганиш фразеологик маъноларнинг семантик ҳамда грамматик табиатини чуқурроқ ўрганишга олиб келади. Фразеологик маънони полисемия нуқтаи назаридан текшириш ҳар бир фразеологик маънонинг тилда мустақил луғавий бирлик сифатида ясалишига ишончни янада мустаҳкамлайди.

Фразеологик синонимия ҳодисаси ЗКФБлар ичида кўп учрайди. Синонимия ҳодисаси ЗКФБларнинг беш фоизига тўғри келади. ЗКФБларнинг синонимик уялари асосан икки уялидир, лекин уч, тўрт ва беш ибора қатнашадиган уялар ҳам бор. ЗКФБларнинг асосан феъл туркумига тўғри келувчи иборалари кўпчиликни ташкил этади.

Синонимия асосида маъно муносабати ётади. Синонимияни белгилашда ибораларнинг бирламчи маъноларини ҳам ҳисобга олиш керак. ЗКФБларнинг синонимларини ҳар тамонлама ўрганиш, уларнинг табиатини, ўхшаш ва фарқли томонларини тўғри аниқлашга олиб келади.

Биз синонимик қаторларни ўрганишда ибораларнинг вариантларини ҳам ҳисобга олдик. Аввало, ўзаро синоним ибораларни уларнинг вариантларидан ажратиб олиши лозим. Бунинг учун синонимик ибораларнинг лексик таркибини синчковлик билан ўрганиш зарур.

Синоним иборалар таркибида бирор компонент айти шу сўз бўлиши мумкин. Аммо бундай ҳолда иборалардаги фарқланувчи сўз, яъни компонент бошқа компонентига ўзаро синоним бўлмаслиги керак. Акс ҳолда, бир иборанинг икки вариантыга эга бўламиз.

Демак, синонимия ҳақида фикр юритишимиз учун, икки ёки ундан ортиқ ибора айти бир маънони англатиши керак.

ЗКФБларнинг синонимик нуқтаи назардан таҳлилида яна шу нарса маълум бўлдики, синонимлар образлилик даражасида, стилистик бўёғи, бадий матнда, оғзаки нутқда оз ёки кўп ишлатилиши билан фарқ қилиши

мумкин. Ҳар бир фразеологик синонимга тўғри ва тўлиқ изоҳ бериш учун унинг синонимик уясидаги бошқа синонимлари билан қиёслаб ўрганиш зарур.

Ушбу бобда ЗКФБларнинг синонимик алоқаларга киришини ҳам кузатдик. Натижада синонимия ибораларга ҳам хос эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Фразеологик антонимия ЗКФБларда аслида ибора билан ибора орасида эмас, балки улар англатаётган маъно билан маъно орасида содир бўлади. Шунингдек, мисолларни таҳлил қилиш жараёнида ҳар бир антоним иборанинг қанча синоними бўлса, антонимлик муносабатлари ҳам шунча кўпроқ орта бориши кузатилди.

Айрим зоонимик компонентли ФБларда антонимик алоқалар ФБлар англатган маъносига қараб белгиланди, баъзи ЗКФБларда эса антонимик алоқалар бир йўла ФБларнинг англатган маъноларига ва антонимларнинг алоҳида компонентларига эътибор берилди.

ЗКФБларнинг антонимлари кўпинча феъл туркумига тўғри келади. Умуман ФБлар ичида асосан феъл туркумли иборалар бошқа турдагилардан кўпроқ кузатилади.

Умумий хулосалар

Инглиз тили фразеологияси шу қадар бой ва хилма-хилки, у инглиз тилини ўрганувчиларда, шунингдек, таржимонларда айрим қийинчиликлар туғдиради. Фразеологиянинг таркибида образлилиги ва стилистик бўёқдорлиги билан ажралиб турувчи birlikлар анча кўп. Ҳозирги кунда фразеологик birlikлар ҳар хил тилларда турли хил нуқтаи назардан ўрганилиб келинмоқда. Юқорида фразеологик birlikлардаги фақат зоонимик компонентли birlikларнинг айрим томонлари таҳлил қилинди холос. Ҳали фразеологиянинг, қолаверса, зоонимик компонентли фразеологизмларнинг очилмаган қирралари жуда кўп ва хилма-хилдир.

ЗКФБларни таҳлил этиш жараёнида фразеологиянинг яна бошқа турли-туман қирраларини очиш мумкин эканлиги маълум бўлди.

Фразеологизмлар шу қадар кенг қамровлики, ЗКФБлар унинг олдида дарёдан бир қатрадир. ЗКФБларни ўрганар ва таҳлил қилар эканмиз, ўз олдимизга қуйидаги вазифаларни қўйган эдик:

- Фразеологик birlikларнинг ўрганиш масалалари ва зоонимик лексиканинг ўрганилиш доирасини аниқлаш;
- Зоонимик компонентли фразеологик birlikларнинг грамматик хусусиятларини аниқлаб, уларни отли, феълли, сифатли ва равишли зоонимик компонентли фразеологик birlikларга ажратиш;
- Зоонимик компонентли фразеологик birlikларнинг компонентлари таркибини таҳлил қилиш. Бунда бу birlikларни, шунингдек, ҳар бир гуруҳнинг тузилиш йўлларини кўриб чиқиш (структуравий моделларини аниқлаш);
- Зоонимик компонентли фразеологик birlikларнинг ясалишида зоонимлар семаларининг талқин этилиши ва умумий маънони яшашдаги хизматини белгилаш;
- Зоонимик компонентли фразеологик birlikларни семантик таҳлилига кўра уларнинг қўлланилиш доирасига асосан гуруҳларга ажратиш;

- Зоонимик компонентли фразеологик бирликларни синонимик гуруҳларга ажратиш ва уларнинг ички фарқларини кўрсатиш;
- Зоонимик компонентли бирликларнинг антонимик алоқаларини ўрганиш ва тасниф қилиш;
- Зоонимик компонентли бирликларнинг синонимик уяларини тасниф қилиш;
- Фразеологик бирликларда қўлланилган зоонимларнинг фаоллик даражасини аниқлаш.

Зоонимик фразеологизмларнинг структуравий ва семантик жиҳатлари чуқур таҳлил қилинди, Зоонимик компонентли фразеологик бирликларни таҳлил қилиш жараёнида 15 дан ортиқ изоҳли ва фразеологик луғатлардан 1000 дан ортиқинглиз тилидаги бирликлар танлаб олинди.

Зоонимик ФБларнинг грамматик таҳлили натижасида биз уларни отли, феълли, сифатли, равишли ҳамда ундов ФБ ларга ажратдик.

Отли бирликлар	420 та, 40% ;
Феълли бирликлар	384та, 38,4%;
Сифатли бирликлар	160та 16%;
Равишли бирликлар	16та, 1,6%;
Ундов бирликлар	20та, 2%ни ташкил этди.

Демак, отли фразеологик бирликлар миқдори кўпчиликни ташкил этади.

Шунингдек, зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг компонентлари таркиби кўриб чиқилди. Таҳлилимизда 2,3,4,5,6 компонентли ФБлар мавжуд. Компонентлар таркиби ортиб борган сари уларнинг гапга тенглиги тобора ортиб боради. Икки компонентли зоонимик ФБлар асосан V+N ёки Adj+N структуравий моделлар асосида ясалган. Ушбу таҳлил натижалари қуйдагича:

Икки компонентли бирликлар	550 та – 55% ни;
Уч компонентли бирликлар	250та – 25%ни;

Тўрт компонентли бирликлар 170 та – 17%ни;

Беш компонентли бирликлар 30 та – 3%ни;

Ниҳоят, олти ва ундан кўп компонентли ФБлар 3% ни ташкил этди.

Икки компонентли ЗКФБлар: noun + noun, adjective + noun, verb + noun, conjunction + noun, noun + preposition + noun структуравий моделларига эга.

Уч компонентли ЗКФБлар: verb + adjective + noun, verb + noun + noun, verb + conjunction + noun, adjective + noun + noun, verb + pronoun + noun, noun + pronoun + noun структуравий моделларига эга.

Тўрт компонентли ЗКФБлар: verb + pronoun + noun + preposition, adjective + noun + preposition + noun, noun + preposition + noun + noun, verb + conjunction + adjective + noun, verb + conjunction + participle + noun, verb + preposition + pronoun + noun, verb + preposition + adjective + noun, adjective + noun + verb + pronoun, verb + noun + noun + participle I структуравий моделларига эга.

Кўп компонентли ЗКФБлар: conj + noun + prep + adjec + noun, verb + prep + noun + verb + noun, verb + noun + prep + pron + noun, non + conj + verb + adj + noun структуравий моделларига эга.

Таҳлил натижаларига кўра тўрт компонентли ЗКФБлар энг кўп структуравий моделга эга бўлиб, тўққиз хилни ташкил этади.

Зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг ясашида зоонимларнинг архисемалари, интеграл ва фарқловчи семалари фаол қатнашган. Фразеологик бирликлардаги образ маълум бир зоонимнинг семасини ўзида мужассамлаштирган. Агар маълум бир зоонимнинг семаси қатнашмаган бўлса ҳам, барибир ўша образ орқали зооним тегишли бўлган семани аниқлаб олиш мумкин. Бир неча зоонимларнинг интеграл семалари ва алоҳида фарқланувчи семалари жадвалларда ва мисолларда кўрсатилиб берилди.

Бундан ташқари ЗКФБлар бир неча хил семантик гуруҳларга ажратилди.

Таҳлил натижаларида яна шу нарса маълум бўлдики, биргина

зоонимнинг ўзи фразеологик birlikларда ҳам турли хил хусусиятлар орқали ишлатилиши мумкин экан. Масалан, биргина "dog" зооними айёрлик, жанжалкашлик, ёқимсизлик, мағрурлик каби хусусиятларни ифодалайди. Ёки бўлмаса "cat" зооними жанжалкашлик, хасислик, иккиюзламачилик каби хусусиятларни ифодалаган. (Бу деталлар жадвалларда батафсил ёритиб берилган).

Зоонимларнинг тилда ишлатилиши айнан баъзи бир ҳайвонларнинг турмушимизда тутган ўрнига, учраб туриши даражасига боғлиқ экан.

Зоонимик компонентли фразеологик birlikларнинг таҳлили натижасида қуйидаги ҳукмларга эришилди:

1. Зоонимик компонентли фразеологик birlikларнинг фразеологик birlikлар ичида муҳим ўрин тутиши, зоонимларнинг асл (бирламчи) маънолари уларнинг фразеологик birlikлардаги маъноларига мос келиши ёки мос келмаслиги мумкин.

2. Зоонимик компонентли фразеологик birlikлар ҳам ўз навбатида сўзга синоним бўлиб келади ва бирор бир сўз туркумини бутунлигича ифодалаши натижасида от, сифат, равиш, феъл фразеологик birlikларга ажратилиши мумкин.

3. Зоонимик компонентли фразеологик birlikлар грамматик жиҳатдан морфологик компонентлари ва синтактик томондан уларда сўзларнинг боғланиши тартиби ҳамда лексик-семантик белгиларининг устуворлиги билан ажралиб туради.

Улар грамматик жиҳатдан эркин сўз бирикмаларидан деярли фарқланмайди, лекин семантик жиҳатдан, компонентларнинг боғланиш жиҳатидан бир бутун умумий маънога эга бўлади. Инглиз тилида зоонимик компонентли фразеологик birlikларнинг турли морфологик воситаларсиз тузилиши ва синтактик жиҳатдан компонентларининг боғланиши аморф (изолирлашган) тиллардаги хусусиятга ўхшаб кетади. Ўзбек тили эса, аксинча, морфологик белгиларининг кўплиги билан агглютинатив турдаги

хусусиятга бойдир. Лекин баъзан изолирлашган тиллардаги хусусият ўзбек тилида ҳам кузатилади (ит-мушук бўлмоқ, маймун ўйин қилмоқ каби).

Зоонимик компонентли фразеологик бирликлар компонентларининг сони жиҳатдан турли хил бўлиши мумкин ва компонентлари сони ортгани сайин уларнинг гапга тенг бўла бориши кузатилади.

4. Зоонимик компонентли фразеологик бирликлар семантик нуқтаи назардан инсоннинг ижобий ёки салбий тавсифини, характери, психологияси, ҳаёт тарзи, маданияти ва урф одатини изоҳлайди.

5. Зоонимик компонентли фразеологик бирликлар ҳам бошқа фразеологик бирликлар сингари ўзаро парадигматик ва синтагматик алоқаларга киришиши мумкин. ФБларнинг кичик бир қисми бўлмиш зоонимик компонентли фразеологик бирликлар ҳажми тор бўлса-да, ўз синонимик ҳамда антонимик қаторларига эга.

6. Инглиз тилидаги зоонимик компонентли фразеологик бирликларни таҳлил этиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, фразеологик бирликлар халқ миллий-маданий менталитетидан келиб чиққан ҳолда ясалади.

7. Зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг пайдо бўлиши гапирувчи томонидан сўз семантик структурасида мавжуд бўлган семалардан қайси бирининг фаоллаштирилганлиги, объектда мавжуд бўлган белгиларининг қайси бирига қаратилганлигига боғлиқ бўлади.

8. Зоонимик компонентли фразеологик бирликлар семалари таркибида сифатловчи, изоҳловчи, умумлаштирувчи, гуруҳловчи семалар кўпчиликни ташкил этиши билан фарқ қилади. Фразеологик бирликлар семалари таркиби эса хусусийлаштирувчи, аниқлаштирувчи, алоҳида белгиларини бўрттирувчи, ижобий ёки салбий маъно берувчи, эмоционал-экспрессив маъно олиб кириши билан фарқланади.

9. Зоонимик компонентли фразеологик бирликларда асосий функционал вазифа зоонимга эмас балки, ибора таркибида ишлатилган феълга тушади ва зооним жуда кўп ҳолатларда ўзининг семантик моҳиятидан

узоққа кета олмайди ва феъл қўйилгандагина бирикма маъносининг мавҳумлашуви, идиоматизацияси кучаяди.

Кўпинча феълли ЗКФБлар гапда пассив конструкцияда қўлланилади ва сўз тартибининг ўзгаришига йўл қўймайди.

ЗКФБни инглиз тилидан ўзбек тилига берилишида уларнинг эквиваленти (муқобили) бор ёки йўқлиги ҳисобга олинади. Уларнинг формал эквивалентини топиб, сўзма-сўз таржима қилмай, маъносини бошқа унга бутунлай ўхшамайдиган компонентларга эга бўлган ибора билан бериш мумкин. Бу формал эквивалент маъносига кўра семантик таржима натижасида танланади. Тадқиқотимиз натижаларидан инглизча-ўзбекча фразеологик луғат тузишда фойдаланиш мумкин.

10. Зоонимик компонентли фразеологик бирликларда интенционал ҳолатининг маъно кўлами жуда катта бўлишига қарамай, улар муайян мантиқий-дедуктив тушунча шаклига келтирилиши мумкин ва бу нарса импликационал ҳолатнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Интенционал ФБ маъносининг хусусий ҳолати бўлса, импликационал унинг умумий ҳолати тарзида намоён бўлади. Бу масала когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан анча ойдинлаштирилади.

11. Айрим зоонимик компонентли фразеологик бирликлар иккиламчи метафоризациянинг маҳсули бўлиши мумкинки, бу ҳолатда фразеологик бирликни яратган идиоматизацияга қадар фразеологик бирлик таркибидаги бирор элемент аллақачон метафоризацияни бошидан кечирган бўлади ва мана шу кўчма маъноси билан фразеологик бирлик таркибига киради. Бундай иккиламчи метафоризация стилистик усули билан ҳосил бўлган зоонимик компонентли фразеологик бирликларда ҳам мавжуд. Уларнинг таҳлилида когнитив семантика ва стилистика катта ёрдам беради.

12. Кўпинча фразеологизмлар мураккаб турғун сўз бирикмалари шаклида бўлса ҳам, уларнинг компонентлари кўпинча турли морфологик воситалар (аффикслар, қўшимчалар)сиз ҳосил бўлади. Бу хусусият инглиз

тилида морфологик жиҳатдан флектив, лекин аналитик белги кўпроқ эканини кўрсатади. Зоонимик компонентли фразеологик бирликларда ҳар бир компонент алоҳида ҳолда ҳеч қандай морфологик воситасиз боғланиши изолирлашган, яъни аморф тилларга хос хусусиятни эсга солади. Тиллардаги морфологик универсалияга кўра, агар тилда предлог бўлса, қўшимчалар кам қўлланилади, аксинча предлог бўлмаса, қўшимчалар кўп қўлланилади. Бу универсалия фразеологизмларнинг таркибидаги компонентларини бири-бирига боғлашда ҳам кузатилади. Умуман, ҳар муаммога кенг ва ҳар томонлама чуқур илмий ёндашув амалий жиҳатдан ҳам фойдалидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I Сиёсий адабиётлар:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 360 б.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 35 б.

II Илмий адабиётлар:

1. Абдуазизов А.А. Тилшуносликка кириш II қисм. Лексикология ва семасиология. Грамматика. – Тошкент, 1999. – 57 б.

2. Авалиани Ю.Ю., Ройзензон Л.И. Проблемы фразеологической синонимии в современном языкознании. – Труды Самаркандского университета. Новая серия, вып. 132. – Самарканд, 1963. – С. 107-113.

3. Амосова Н. Н. Основы английской фразеологии. - Изд. Ленинградского университета. – Л., 1961. – 207 с.

4. Апресян Ю.Д. О свободных и фразеологических связях внутри слова, словосочетания и словообразовательного типа //Труды СамГУ им А.Навои. Вып №178. Вопросы фразеологии III. – Самарканд, 1978. – С. 14-28.

5. Арнольд И. В. Лексикология современного языка (на английском языке). – М.: Изд. Высшая школа, 1973. – С. 140-161.

6. Арнольд И. В. О контекстуальном значении и семантической структуре слова. //Английская филология. – Л., 1965. – С. 29-41.

7. Арнольд И. В. Оппозиции в семасиологии // Вопросы языкознания. – 1966. №2 – 106 с.

8. Арнольд И. В. Стилистика современного английского языка. – Л.: Просвещение, 1981. – С. 128-130.

9. Апресян Ю. Д. Современные методы изучения значений и некоторые проблемы структурной лингвистики // Проблемы структурной лингвистики. – М., 1963. – С. 102-150.

10. Арсентьева Е. Ф. Сопоставительный анализ фразеологических единиц (на материале фразеологических единиц семантически

ориентированных на человека в английском и русском языках) – Казань: изд. Казанского университета, 1989. – 126 с.

11. Ашурова Д. У. Коммуникативно-прагматическая характеристика производных слов. // - Сборник научных трудов ТашГУ. Исследование языковых единиц в функциональном аспекте. – Т., 1989. - С. 108 - 116.

12. Ашурова Д. У. Производное слово в свете коммуникативной теории языка. – Ташкент: Фан, 1991. – 97с.

13. Алиева Г. Х. Сопоставительный анализ фразеологических единиц, характеризующих внешность человека в английском и турецком языках: Автореферат дис. канд. фил. наук.– Казань, 1999. – 24 с.

14. Амна А. А. Национально-культурное своеобразие русской и арабской фразеологии (на материале переводов художественного текста): Автореферат дис. ...канд. филол. наук. – М., 1998. – 22 с.

15. Алехина А.И. Фразеологическая антонимия в современном английском языке. Автореферат дис....канд. фил. наука дис. – М., 1968.– 24 с.

16. Балли Шарль. Французская стилистика. – Москва, 1961. – 192 с.

17. Болотов В.И. Лексическое значение, смысл, энциклопедическое значение имени собственного и его эквивалентов в социальных полях. // Проблемы билингвизма и интерференции. – Т., 2001. – С. 44-48.

18. Булаховский Л. А. Семасиологические этюды. Славянские наименования птиц. // Ученые записи Львовского гос. Унив. им. И. Франко. – Львов, 1948. – 34 с.

19. Буранов Дж. Б. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – Москва: Высшая школа, 1983. – 267 с.

20. Бушуй А.М. О методике организации фразеологической работы в системно - уровневом плане. // Междувузовский сборник научных трудов. Выпуск - 4. – Т., 2000. – С. 87-93.

21. Бушуй А.М. Тавтологический способ структурообразования фразеологических единиц. (К вопросу фразеологической типологии) //

Материалы XXV научной конференции СамГУ. – Самарканд, 1968. – С. 73-77.

22.Бушуй Т.А. Системно-уровневое направление общей лингвистики и интерпретация фразеологии текста. // “Матн ва унинг талқини” халқаро илмий-назарий конференция материаллари. - Самарканд: СамДЧТИ, 2000. – С. 29- 38.

23.Бушуй Т.А. Об общей теории контрастивной фразеологии // Преподавание языка и литературы. – 2001. №6. – С. 19-24

24.Базарова Д.Х. К этимологии некоторых древнетюркских названий птиц // Тюркология, 1975. № 4. – С. 11-22.

25.Бакиров П.У. Семантика и структура номинацентрических пословиц. – Ташкент: «Фан», 2006. – 297 с.

26.Бакиева Г. Х., Башатова Н.А. Структура значения общественно-политических фразеологизмов в исследовательском и методическом аспектах. //- Сборник научных статей. – Ташкент: ТашГУ, 1993, – С. 61 - 65.

27.Бураков М. Термины животноводства в узбекских говорах Каракалпакии. Автореферат дис. канд. филол. наук. – Ташкент, 1972. – 23 с.

28.Войтик Л.С. О национальной своеобразии смысловой структуры слова.- // Проблемы преподавания иностранных языков в языкознании. – Алма-Ата, 1979. – С. 40-47.

29.Войтик Л.С. К вопросу о смысловой структуре слова, (на материале лексико-семантической группы наименований животных) – Автореферат, дисс. канд. филол наук. – Алма-Ата, 1980. – 18 с.

30.Гак В.Г Семантика структуры слова как компонент семантической структуры высказывания. // Семантическая структура слова. Психолингвистические исследования. – Москва:«Наука», 1973. – С. 78-95.

31.Гак В.Г. Сопоставительная лексикология.–М.: «Высшая школа», 1987.–90 с.

32.Глазырина С. А. Стилистическое использование сложного слова в художественном тексте. // Сборник научных трудов. – ТашГУ, 1989. – С. 67-74.

33.Гюббенет И.В., Черезова Т.Л. Слова «кошка» и «собака» как лингвострановедческая и лексикографическая проблема. // Вестник Московского университета. Серия 19. Лингвистика и межкультурная коммуникация. – 2004. №2. – С. 55-60.

34.Газарова Г.М. Стилистика фразеологии в словаре. (Типологический анализ на материалах английского и русского языков): Автореферат, дисс. канд. филол. наук.– Сам., 1994. – 19 с.

35.Дементьева М.Ю. Номинативно-когнитивный аспект семантики фразеологизмов и слова (на материале тематической группы “речевая деятельность” в русском языке. В сопоставлении с английским): Автореферат дис.....канд.филол.наук. – 2002. – 23 с.

36.Жуков В. П. Русская фразеология.–М.: Высшая школа, 1986. – 310с.

37.Жуков В.П.Семантика фразеологических оборотов.–М.,1978.– 160 с.

38.Зайченко Н.Ф. Лексико-семантическая группа наименований животных и её фразеобразовательные возможности в современном русском языке: Автореферат. дисс. канд. филол. наук. – Киев, 1983. -21 с.

39.Ирискулов М. Т. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 256б.

40.Икрамов Т.Т. Фразеологические единицы с фиксированным глагольным компонентом в императиве в современном английском языке: Автореферат дисс. канд. филол. наук. – М., 1978. – 22 с.

41.Каменецкайте Н.Л. Синонимы в английской фразеологии - Изд., Международные отношения. – Москва, 1971. – 367с.

42.Копыленко М.М. К типологическому изучению наименований животных. //Тезисы докладов Межвузовской конференции. – Алма-Ата,

1968.– 171с.

43.Копыленко М. М. Об объёмах и методах фразеологии как научной дисциплины.// Вопросы фразеологии. – Ташкент, 1965. – С. 34-36.

44.Крейдлин Г.Е. Некоторые пути и типы метафоризации слов в языке // Тожество и подобие. Сравнение и идентификация. М.: 1990. – С. 124-139.

45.Кунин А. В. Английская фразеология. – М.: Изд. Высшая школа, 1970. – 344 с.

46.Киссел Ю.Я. Проблемы американских заимствований в фразеологии британского варианта современного английского языка // Сборник научных трудов. МГПИИЯ. Вып. 98. – М., 1976. – С. 71-84.

47.Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – Москва: Высшая школа, 1986. – 336 с.

48.Кунин А. В. О соотнесенности фразеологической единицы со словом // Труды СамГУ им.А.Навои. Вопросы фразеологии III. – Самарканд, 1978. – С. 94-112..

49.Каменецкайте Н.Л. Характер синонимии в глагольных фразеологических единицах в современном английском языке: Автореферат дисс.канд. филол.наук. – М., 1960.– 20с.

50.Клушин Н.А. Зоо и фитоморфные характеристики человека в английской разговорной речи: Автореферат дисс. канд. филол. наук. – Нижний Новгород, 1991. – 22 с.

51.Ковшова М.Л. Национально-культурная специфика фразеологических единиц (когнитивный аспект): Автореферат дис.канд.филол.наук. – М., 1996. – 20 с.

52.Литвин Ф.А. Многозначность слова в языке и речи. – М.:Высшая школа, 1984. – 119 с.

53.Литвин Ф.А. Об изучении разновидностей зооморфнойхарактеристики (на материале английского языка). - // В помощь преподавателям иностранных языков. – Новосибирск, 1974. вып 5.– С. 81-92

54.Литвин Ф. А. Зооморфизм в синтаксической позиции определения.(на материале английского языка) // Актуальные проблемы лексикологии и словообразования. – Новосибирск, 1975.– С. 20-28.

55.Литвин Ф. А. Сопоставительное изучение зоонимов в русском и английском языках. // Англо-русские языковые соответствия.–М., 1981.– 34 с.

56.Литвина С. Ф. Система зооморфных характеристик существительного “horse” - //Вопросы лексикологии. Изд. Наука Сибирского отделения. – Новосибирск, 1977.– 155с.

57.Лясота Ю. Н. Английская зоосема. Изд. Дальневосточного университета. – Владивосток, 1984.– 116 с.

58.Латыпова Л.Ч. Роль английских и русских фразеологических единиц в формировании модальности в тексте: Автореф. дис.канд.филол.наук. – Волгоград, 2002. – 20 с.

59.Латинов О.Ж. Анализ семантической структуры тематического пространства «домашние животные» в разносистемных языках (На материале русского, узбекского и таджикского языков): Автореф. дис. канд.филол.наук. – Т., 1997. – 28 с.

60.Маматов А.Э. Вариантлаш фразеологик шаклланишнингвоситаси сифатида// Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 1999. - 5-6 сон. – Б. 71- 76.

61.Маматов А.Э.Лексико-фразеологическая норма в узбекском языке. Автореферат дисс. доктора филол.наук. – Ташкент, 1991. – 51 с.

62.Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2000. – 56 б.

63.Малоха М.Ф. Фразеология и национальная картина мира. Фразеологизмы с компонентом-названием дерева в восточнославянских и польском языках: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Минск, 1996. – 23с.

64.Маслова В.А. Лингвокультурология. 2-е издание. – М.: Academia, 2004. – 204 с.

65.Медвенко ВойтикЛ.С. О системной организации лексико-семантической группы названия животных. // Иностранные языки. – Алма-Ата, 1977. - вып. 7.– С. 51-59.

66.Муминов А.М. О фразеологической продуктивности слов в современном английском языке. //Иностранные языки в вузах Узбекистана. – Т.: Научные труды. №587, 1979.– 91 с.

67.Муминов Т. А. Рекурсивное использование лексем как проявление принципа экономии. //Матн ва унинг талқини. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2000. –С. 48-49.

68.Никитин М.В. Лексическое значение слова. – М., Высшая школа, 1983. – 127 с.

69.Нишонова Н. Ўзбек тилидаги ҳайвон архисемали лексик-семантик гуруҳнинг ички тасниф асослари хусусида // Тил ва адабиёт таълими. – Т., 1999. №4. – С. 33-35.

70.Ожегова С.И. О структуре фразеологии (в связи с проектом фразеологического словаря русского языка). // Лексикографический сборник. Вып. II. – М., 1957.–40с.

71.Пинхасов Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Лексикология ва фразеология. – Тошкент, 1969. – 145 б.

72.Поливанов Е. Д. Введение в языкознание для востоковедных вузов. Издание второе. – М., 2002. – 220 с.

73.Расулова М. И. Основы лексической категоризации в лингвистике. – Ташкент: «Фан», 2005. – 268 с.

74.Раҳматуллаев Ш. Фейл туркумига тўғри келувчи фразеологик бирликларнинг грамматик қурилишининг асосий кўринишлари.//ТошДУ. Илмий ишлари. 104- чиқ. – Тошкент, 1957.– Б. 120 -136.

75.Рыжжина О. А. Системные исследования зооморфизмов в русском языке (В сопоставлении с английским). Автореферат дисс. канд. филол. наук. – Новосибирск, 1979. – 21 с.

- 76.Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. - Жиззах:Сангзор, 2006. – 90 б.
- 77.Сафина Р.А. Фразеологические единицы, выражающие материально-денежные отношения в немецком и русском языках: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Казань, 2002. – 21 с.
- 78.Сидякова Н.М. Компаративные единицы типа (as) + прилагательное + as + существительное в современном английском языке. Автореферат дис. канд. филол. наук. – М., 1967. – 16 с.
- 79.Саломов Ғ. Мақол ва идиомалар таржимаси.– Тошкент, 1961.– 159 б.
- 80.Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент: «Фан», 1966. – 383 б.
- 81.Смирницкий М. Лексикология английского языка. – М.,1956. – С. 21-22.
- 82.Смит Логан. Н. Фразеология английского языка. Перевод А.С. Игнатьева. – М., 1959. –207 с.
- 83.Соссюр Ф. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977. – 695 с.
- 84.Тарасова Ф.Х. Сопоставительный анализ фразеологических единиц английского и татарского языков с компонентами, относящимися к фразеосемантическому полю “Пища”: Автореферат дис. канд.филол.наук. – Казань, 1999. – 24 с.
85. Телия В.Н. О вариантности слов и вариантности идиом // Труды СамГУ им А.Навои. Выпуск 178. Вопросы фразеологии III. –Самарканд, 1978. - С. 172-188.
- 86.Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологические аспекты. – М., 1996. – 168 с.
- 87.Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Лексикология. Фонетика. Морфология. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 175 б.
- 88.Тухтаева К.Д. Структурные и семантико-номинативные характеристики сложных слов, входящих в состав фразеологизмов (на материале английского языка): Автореферат дис. канд.филол.наук. – Т., 2006.

– 23 с.

89. Умарходжаев М.И. Принципы составления многоязычного фразеологического словаря (на материале немецкого, узбекского и русского языков): Автореферат дис. канд. филол. наук. – М., 1972. – 27 с.

90. Умарходжаев М.И. Основы фразеологии. – Ташкент: «Фан», 1983. – 132 с.

91. Худайберганава М.К. Глагольные фразеологические единицы с значением состояния лица в английских и узбекских текстах: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1983. – 24 с.

92. Хайруллина Р.Х. Картина мира во фразеологии: Автореферат дис. ... докт. филол. наук. – М., 1997. – 50 с.

93. Халикова М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картине мира: Автореферат. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1999. – 21 с.

94. Юрченко Д. В. Структурно-семантические и номинативно-мотивационные свойства зоонимических фразеологизмов немецкого языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Пятигорск, 2001. – 23 с.

95. Юсупов У. К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Ташкент: «Фан», 2007. – 125 с.

96. Юсупов У.К. Сопоставительная лингвистика как самостоятельная дисциплина // Методы сопоставительного изучения языков. – М.: Наука, 1988. – С. 6-11.

97. Юсупов У.К. Сравнение лексических систем // Қиёсий тилшунослик ва таржима назарияси масалалари. Республика илмий анжуманининг мақолалар тўплами. – Тошкент, 2007. – С. 12-1

III. Луғатлар:

1. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг қисқа этимологик луғати.– Т., 2003. – 485 б.
2. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т., 1978. –465б.
3. Содиқова М. Русча – ўзбекча фразеологик луғат. – Т., 1972. – 334 б.
- 4.Шомақсудов Ш.,Шораҳмедов. Ш. Ҳикматнома. Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати. – Т., 1990. – 524 б.
- 5.Большой англо-русский словарь. (Кратко БАРС) под. Ред. И.Р. Гальперина. М.: Русский язык. Том I, А-М. 1987.-1034 с. Том II, N-Z. – 1988. – 1072 с.
- 6.Лубенская С.И. Большой русско-английский фразеологический словарь. – М.: АСТ-Пресс, 2004. – 1018 с.
- 7.Crystal D. A Dictionary of Linguistics and Phonetics. Blackwell Publishing. Fifth Edition. 2003. – 611 p.
8. A. Dictionary of American Idioms. Edited and revised by Makkai Adam Barron’s Educational Series, Inc. – Woodbury, 1975. – 392 p.
- 9.Websters New World Dictionary of The American Language.College edition. – Clevelandand N.Y., 1966. – 1724 p.
- 10.Lablin Shelley Vance, Laftin A. Concise Collection of American English Idioms for Everybody Use. “Something to crow about” USIS.1995. – 94 p.
- 11.Longman New Universal Dictionary. – Norwich: Jarrold and Sone Ltd., 1982. (қискача L. N. U. D)
- 12.The American Heritage Dictionary of the English language. Edited by Makkai William - Publ. By Houghton miff lin. Company. – Boston, 1979.
13. Seid J., Mc. Mordie. W. English idioms and how to use them. – М.: Вузљаја shkola, 1983. – 265 p.
14. Smith W. Y. The Oxford Dictionary of English proverbs. – Oxford., 1936.

15. Benson M., Benson E., Ilson R. The BBI Combinatory Dictionary of English. Спец. издание. Джон Бенджаминс Паблишинг Компании. Амстердам / Филадельфия, «Русский язык». – Москва, 1990. – 286 с.

IV. Мисоллар олинган бадий асарлар

1. Aldrington R. Death of Hero. – Moscow: Visshaya shkola, 1985. – 350p.
2. Bronte Ch. Shirley. Foreign lang. Publ. House. – Moscow, 1956. – 570p.
3. Coper S. F. The last Makicans. Foreign lang. Publ. House. – Moscow, 1959. – 370p.
4. Cristie A. Cat among the pigeons. – New York: Pocket Books, 1970. – 256p.
5. Cronin A. J. Crusader's Tomb. – London: New English Library, 1977. – 392p.
6. Dickens Ch. Oliver Twist. – New York: Random House, 1994. – 420p.
7. Galsworthy J. The End Of The Chapter. – Moscow: Foreign lang. Publ. House, 1960. – 602p.
8. Galsworthy J. The white Monkey. – New York, 1969. – 291p.
9. Henry O. 100 Selected Stories. – E.: Worldsworth Classics, 1992. – 735p.
10. Lewis S. Babbit. Foreign Lang. Publ. House. – M., 1962. – 250p.
11. London J. Martin Eden. – Moscow: Foreign Languages Publishing House, 1960. – 441p.
12. Maugham W. S. The Moon And Sixpence. – Moscow: Менеджер, 1999. – 239p.

V. Интернет тармоғидан олинган адабиётлар.

1. [http:// www. tsu. tmn. ru/ Language and literature.](http://www.tsu.tmn.ru/Language%20and%20literature)
- Холманских И.В. ТГНГУ. Зоонимы полиэталоны в КФЕ русского и болгарского языков. – Тверь: ТГНУ, 1996.
3. [http://www. eslcafe. com/idioms /](http://www.eslcafe.com/idioms/) Идиомы английского языка.
4. [http://www. lugovsa. net/](http://www.lugovsa.net/) Звегинцев В. А. История языкознания XIX – XX веков в очерках и извлечениях. - М: 1964. ч 1.